2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 89 (1415), 2025 йил 2 май, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ШАРҚ ГАВҲАРИ ХОРАЗМ ВОҲАСИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ЙЎЛИДАН ДАДИЛ БОРАЁТГАНИ, ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК РУҲИ БИЛАН ЯШАЁТГАНИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи ва аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, янги истиқболли режаларни белгилаш мақсадида 1 май куни Хоразм вилоятига келди.**



Бу ўлка қадим тарихи ва маданияти билан туризм жозибадорлигига эга. Ҳозирги иқтисодий равнақи туфайли ишбилармонлик ташрифлари ҳам кўпаймоқда. Лекин Урганч халқаро аэропорти аҳоли ва меҳмонлар талабига тўла жавоб бермаяпти. У соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсата олади, холос. Бу қатновларни кўпайтириш имконини бермаяпти. Шунинг учун аэропортни модернизация қилиш ва бошқарувга бериш кўзда тутилган.

Ташриф чоғида давлатимиз раҳбарига ушбу лойиҳанинг бориши ҳақида ахборот берилди.

Бу борада 2024 йил 1 августда эълон қилинган очиқ тендер икки босқичда ўтказилиб, унда Франция, Корея, Туркия, Қатар каби давлатлардан саккизта компания иштирок этди. Якунда идоралараро тендер комиссиясининг қарори билан Корея Республикасининг Incheon International Airport Corporation компанияси ғолиб деб топилди.

Президентимиз ушбу компания ва лойиҳа раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Компания президенти Инчон халқаро аэропорти сиғими бўйича дунёда учинчи ўринда туриши, сервис бўйича етакчилардан бири эканини айтди. Урганч компаниянинг иккинчи аэропорти бўлишини таъкидлаб, уни янгилаш ва бошқариш режаларини маълум қилди.

Давлатимиз раҳбари бундай илғор компания билан шерикликдан хурсандлигини таъкидлаб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш бўйича фикрларини билдирди.

— Хоразмда кўплаб замонавий меҳмонхоналар, дам олиш ва савдо марказлари барпо этяпмиз. Келажакда сайёҳлар оқимини 5 миллионга етказишни мақсад қилганмиз. Буни аэропорт билан ҳамоҳанг қилсак, ўзаро манфаатли бўлади, даромад кўпаяди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хорижий авиакомпаниялар билан ҳамкорликда самолётлар олиб келиб, ташувларни кўпайтириш бўйича фикр алмашилди. Ушбу шерикликдан фойдаланиб, сервис бўйича Корея тажрибасини ўрганиш, мутахассисларимизни ўқитиш ва малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 223 миллион АҚШ доллари бўлиб, унинг доирасида янги учиш-қўниш йўлаги, йўловчи ва юк терминаллари қуриш, "ICAO" талабларига жавоб берувчи ёритиш-сигнал қурилмалари ўрнатиш, махсус техникалар харид қилиш кўзда тутилган.

Қурилиш-реконструкция ишлари 2025-2027 йиллар давомида амалга оширилади. Буларнинг натижасида аэропорт Boeing 747 ва Airbus 350 каби йирик ҳаво кемаларини қабул қилиш имконига эга бўлади. Аэровокзалнинг умумий майдони 39 минг квадрат метрга етиб, соатига 1 минг 300 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш қуввати яратилади.

Умуман, бундай замонавий инфратузилма орқали Урганч аэропорти энг қулай йўналишлардан бирига айланади. Хоразмнинг хорижлик сайёҳлар учун жозибадорлигини оширишга ҳамда мамлакатимиз авиация соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Бўлажак янги терминал лойиҳаси ҳам тақдимот қилинди. Президентимиз унинг ички ва ташқи қиёфасида миллий руҳни акс эттириш бўйича тавсиялар берди.

Шу ерда давлатимиз раҳбари журналистлар билан ҳам мулоқот қилди. Хоразмга ташрифдан мақсад янги марраларни белгилаб, иқтисодиёт кўрсаткичларини янада ошириш, вилоятда яшаётган 2 миллиондан зиёд аҳолининг шароитини яхшилаш, иш ўринлари очиб, одамларнинг даромадини кўпайтириш экани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ал-Хоразмий шаҳарчасининг қурилишини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил августда ушбу шаҳарча пойдеворига тамал тоши қўйган эди. Ўтган йилларда муҳандислик тармоқлари тортилиб, 1 минг 773 та хонадонли 72 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилган. Бу йил мингта хонадонли яна 28 та турар жой қурилиши режалаштирилган. Бу ерда жами 5 мингдан ортиқ хонадон бўлади.

Шаҳарча Урганч халқаро аэропорти яқинида, 130 гектардан зиёд ҳудудда бунёд этилмоқда. Самолётдан тушган меҳмонларнинг кўз ўнгида аввало мана шу гўзал маскан намоён бўлади. Шаҳарча марказида Хоразмий бобомизнинг муаззам ҳайкали ўрнатилади.

Президентимизга мазкур ҳайкал лойиҳаси тақдимот қилинди.

Ҳайкал шаҳарчада барпо этилаётган 20 гектарлик боғнинг кириш қисмида ўрнатилади. Унинг баландлиги 22 метр, пойдевори билан бирга 30 метрдан зиёд бўлади.

Мутасаддиларга монументни ҳам бунёдкорлик, ҳам маъно жиҳатидан такомиллаштириш, шаҳарчада яшилликни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Куни кеча Президентимиз Ал-Хоразмий университети ва ихтисослаштирилган мактаб ташкил этиш бўйича қарор имзолади. Бу университетда 3 та: математика ва информатика, аэрокосмик технологиялар муҳандислиги ҳамда сунъий интеллект факультетлари бўлади. Ўқув жараёнлари "Янги Ўзбекистон" университетининг тажрибаси асосида, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Буюк Британия каби давлатларнинг нуфузли олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилади. Қабулни 2025-2026 ўқув йилидан бошлаш режалаштирилган. Жами талабалар сони 4-6 минг атрофида бўлиши кўзда тутилган.

Шаҳарча ҳудудида Тошкентдаги Муҳаммад ал-Хоразмий мактабининг филиали ҳам ташкил этилади. Унга 4-синф битирувчилари танлаб олинади. Таълимнинг якунловчи 2 йили муҳандисликка бошланғич тайёргарликка қаратилади.

Шунингдек, Ал-Хоразмий шаҳарчасида технопарк ва офислар, тиббиёт ва маданият марказлари, хиёбонлар, мактаб ва боғчалар, спорт мажмуалари, савдо ва маиший бинолар бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ташрифи доирасида Хонқа туманида барпо этилган мебелсозлик кичик саноат зонасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 21 июндаги мебель саноатини ривожлантиришга оид қарорига мувофиқ, салоҳияти бор туманларда шундай саноат зоналари ташкил этилмоқда.

Хонқа туманида ҳам аввалдан мебелсоз усталар кўп. Ҳозирги кунда бу йўналишда 140 дан зиёд тадбиркор, 500 дан ортиқ хонадонда кичик устахоналар бор. Шу пайтгача уларнинг кўпчилиги тор жойларда, ноқулай шароитларда ишларди.

Шу боис, 10 гектар ер ажратилиб, мебель маҳсулотларини кластер усулида ишлаб чиқариш, кўргазма ва савдо объектларини ўз ичига олган кичик саноат зонаси барпо этилди. Бу ерда 10 миллион долларлик 61 та корхона фаолият бошламоқда. 650 киши иш билан таъминланди.

Корхоналарда Германия, Италия, Швейцария, Туркия, Хитой каби давлатлардан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. Йилига 108 миллиард сўмлик уй, офис, меҳмонхона, ресторан, савдо ва ижтимоий муассасалар учун мебеллар ишлаб чиқариш қуввати яратилган.

Президентимиз устахоналардаги иш жараёнини кўздан кечирди. Хоразм вилоятида қурилиш кўлами ошгани, кўплаб уй-жойлар, меҳмонхоналар, бино ва иншоотлар барпо этилаётганидан унумли фойдаланиб, корхоналар учун буюртмалар шакллантириш, янги турдаги маҳсулотларни маҳаллийлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Мебелсозлик кичик саноат зонасида дизайнер ва технологлар тайёрлаш бўйича ўқув маркази ташкил қилинган. Унга Туркиядан малакали мутахассислар жалб этилган.

Улар билан мулоқотда мебеллар сифатини таъминлаш, ёшларнинг бу бўйича тажрибасини ошириш ҳақида сўз юритилди.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ташқи бозорларга ҳам йўналтирилиши кўзда тутилган. 3 миллион доллардан зиёд экспорт қилиниши мўлжалланган.

Яна бир муҳим жиҳати, саноат зонасида энергия самарадорликка эътибор қаратилган. Корхоналарнинг барчасига қуёш панеллари ўрнатилган.

*Давоми 2-бетда*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХИВА ШАҲРИДА "АРДА ХИВА" ХАЛҚАРО ТУРИЗМ МАРКАЗИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар, муҳтарам Хоразм аҳли!

Ҳурматли меҳмонлар!

Бугун сиз, азизлар билан шонли тарихимиз устунлари ва Янги Ўзбекистон пойдевори чамбарчас боғланган мўътабар диёрда — қадимий Хоразмда дийдор кўришиб турганимдан бениҳоя хурсандман.

Хоразм дунё цивилизацияси ва маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ гавҳаридир. Бу кўҳна юрт жаҳонга донғи кетган не-не олиму фозиллар, саркарда ва султонлар, азиз авлиёлар, бетакрор шоир ва ҳофизлар ватанидир.

Илм-маърифат машъаллари бўлган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, ватанпарварлик тимсоли бўлган Нажмиддин Кубро ва Жалолиддин Мангуберди сингари улуғ зотлар халқимизнинг фахру ифтихоридир.

Шу маънода, жаҳон олимларининг "Улуғ новатор Беруний фаннинг бир қатор ҳал қилувчи йўналишларида ўз давридан 500 йиллаб, ҳатто ундан ҳам кўпроқ илгарилаб кетган", деган эътирофлари бу заминнинг буюк салоҳиятидан далолат беради.

Хоразмнинг ҳавас қилса арзийдиган яна бир бебаҳо бойлиги бор. Бу — унинг муҳташам тарихий обидаларидир. Очиқ осмон остидаги шаҳар-музей — "Ичан қалъа" мажмуаси умумбашарият хазинаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Эътибор беринг, вилоятда 260 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд. Ва уларнинг тарихи бир неча асрларга бориб тақалади. Ҳеч шубҳасиз, улар ўзининг ноёб ва гўзал меъморий қиёфаси билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг жаҳон равнақидаги бетакрор ўрнини белгилаб берадиган тирик тарихдир.

Азиз юртдошлар!

Бугунги кунда биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида ўзгариш ва янгиланишлар йўлини қатъият билан давом эттирмоқдамиз.

Бошлаган ислоҳотларимиз доирасида тинчлик ва дўстлик жабҳаси бўлмиш туризмни ривожлантиришга алоҳида стратегик йўналиш сифатида эътибор қаратиб келаётганимиз албатта бежиз эмас. Чунки туризм — бу фақат сайру саёҳат, мазмунли дам олишгина эмас. У аввало элларни элларга, дилларни дилларга боғлайдиган, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизнинг бой маданияти ва тарихий меросини, унинг очиқ қалбини дунёга намоён қиладиган кўзгудир.

Биз тарихий ёдгорликлар, маданий мерос объектларини асраб-авайлаб, уларни глобал туризм тармоғига фаол жалб этиш борасида кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз.

Шу билан бирга, миллий меъморчилик ечимларини қўллаган ҳолда, бир вақтнинг ўзида тарих ва замонавийликни мужассам этган йирик туристик мажмуаларни кўпайтиришга алоҳида урғу беряпмиз.

Алгебра ва алгоритм асосчиси Муҳаммад Хоразмий бобомиз айтганларидек "Тартиб ва тўғри ҳисоб-китоб — ҳар қандай ютуқнинг гаровидир". Шу сабабли ҳам мамлакатимизда туризм салоҳиятини юксалтириш бўйича аниқ ва пухта режалар асосида иш юритилмоқда.

Биз бундан уч йил олдин Самарқандда "Боқий шаҳар" деб ном олган йирик туристик мажмуани ишга туширган эдик. Бугун эса Хоразм заминида "Арда Хива", оддий қилиб айтганда, "Боқий Хива" комплекси тантанали равишда очилмоқда. Бу ноёб мажмуа улкан режаларимизнинг яна бир амалий натижасидир.

Қисқа фурсатда бунёд этилган ушбу муҳташам халқаро туристик масканда 17 та меҳмонхона ва меҳмон уйлари, 9 та ресторан, ҳар бири кунига 2 минг сайёҳга хизмат қиладиган очиқ ва ёпиқ аквапарклар, 3 минг ўринли амфитеатр, 5 та кино ва концерт зали, кўргазмалар павильони, 70 та дўкон, 300 та савдо растаси, 11 та ҳунармандлар уйи, Шарқ бозори ва заргарлик маркази, фаввоdefault, сайр учун 4 километрли соҳил бўйи йўлаги ишга тушмоқда.

Бу борада Хоразмнинг шонли ўтмишидан ҳикоя қиладиган "Кўҳна Урганч" музейи аҳолимиз ва сайёҳларнинг севимли масканига айланиши шубҳасиз.

Ана шундай ишларимиз ҳисобидан вилоятга туристлар оқими қўшимча равишда 1 миллион нафарга ошади, хизматлар 1,2 триллион сўмга кўпаяди, камида 2 мингта иш ўрни яратилади.

Ишончим комил, "Арда Хива" Хоразмдаги туризм ривожида янги саҳифа очади, вилоятнинг иккинчи "ташриф қоғози"га айланади.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу мажмуага сармоя киритган тадбиркор ва инвесторларга, фидокорона меҳнат қилган қурувчи ва мутахассисларга, бу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга самимий миннатдорлик билдираман.

Ушбу бетакрор маскан Хоразмга, бутун халқимизга муборак бўлсин!

Ҳурматли Хоразм аҳли, азиз меҳмонлар!

Хоразмнинг ҳали ишга солинмаган туристик салоҳияти жуда катта. Хабарингиз бор, Хива туманидаги 2 минг 400 гектар ерни Хива шаҳрига ўтказяпмиз. Бу жойда "Саҳро юлдузи" туристик комплекси бунёд этилади. Бу ҳудудда меҳмонхоналар, кўнгилочар марказлар, гастрономик ва савдо кўчалари, музейлар, экоуйлар, ёзги лагерь, экстремал туризм объектлари барпо этилади.

Комплекс қурилиши бўйича ишларни шу йилдан кечиктирмасдан бошлаймиз. Бош вазир А.Арипов бунга бош-қош бўлади.

Шунингдек, Тупроққалъада чўл ҳудудидаги 5 минг гектар ерда сафари ва ов туризми ривожлантирилади. Урганч шаҳри, Шовот, Қўшкўпир, Хива ва Ҳазораспдан оқиб ўтадиган Ғазовот, Полвон, Шовот каналлари бўйларида 50 миллион долларлик 80 та хизмат кўрсатиш, савдо-кўнгилочар объектлари ишга туширилади. Боғот, Гурлан, Янгибозор ва Урганч туманида туризм қишлоқлари ташкил этилади.

Биз аждодларимиз қолдирган беқиёс илмий-маънавий меросни асраб-авайлаш, бойитиш ва дунёга кенг тарғиб этишни ўз олдимизга улуғ мақсад қилиб қўйганмиз. Шу боис, Маъмун академияси биноси олдидаги 2 гектар боғ "Буюк алломалар" номли очиқ осмон остидаги "смарт" музейга айлантирилади. Шу асосда Хоразм юртида камол топган ўнлаб мумтоз аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, бой ижодий мероси интерактив усулда бир нечта хорижий тилларда сайёҳларга тақдим этилади.

Куни кеча Урганч шаҳрида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги янги университет ва IT мактабини ташкил этиш бўйича алоҳида қарорни имзоладим. Аминманки, бу таълим даргоҳлари бўлғуси хоразмийлар, берунийлар билим оладиган ўқув масканларига айланади.

Ҳурматли юртдошлар!

Бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Амударёнинг икки соҳилида жойлашган Хоразм ва Қорақалпоғистон элини Худои таолонинг ўзи тақдирдош қилиб яратган. Бу икки қўшни ҳудуднинг тарихи, маданияти ва урф-одатларини бир-биридан алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди.

Шу боис, Хоразмда туризмни ривожлантиришни Қорақалпоғистон билан ҳамоҳанг равишда, ягона концепция асосида амалга оширамиз.

Бунинг учун "Хоразм — Қорақалпоғистон" туризм ҳалқаси лойиҳаси ишлаб чиқилади. Масалан, Хивадан 80 километр масофада Элликқалъа тумани жойлашган бўлиб, бу ерда туристлар учун жозибадор бўлган "Аёзқалъа" ва "Тупроққалъа" ёдгорликлари бор. Шунингдек, тумандаги "Ахчакўл"да пляж туризмини ривожлантириш учун барча инфратузилма мавжуд. Ёки Беруний туманидаги "Султон Увайс" қадамжоси зиёрат туризми учун нодир масканлардан бири ҳисобланади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шунинг учун, ушбу ҳудудларни ўзаро боғлайдиган йўл, йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш бўйича катта дастур бошлаймиз. Бундан ташқари, "Урганч — Гурлан — Манғит" автомобиль йўли тўлиқ реконструкция қилинади.

Сўнгги йилларда Хива шаҳрига темир йўл тортилиб, янги вокзал қурилди, "Бухоро — Урганч — Хива" темир йўли тўлиқ электрлаштирилди. Сизлар билан келишиб олганимиздек, 2026 йилда ушбу йўналиш бўйлаб Жалолиддин Мангуберди номи билан аталадиган замонавий тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйилади. Энг муҳими, яқин келгусида бу тезюрар поездлар Нукусгача боради.

Бугунги анжуманда кўплаб хорижлик дўстларимиз иштирок этмоқда. Келинг, қадрли меҳмонларимизни чин дилдан қутлаб, уларга яна бир бор ҳурмат ва эзгу тилакларимизни билдирайлик!

Албатта, Хоразмга бир марта келган одам унга умрбод мафтун бўлиб қолади. Ишончим комил, сиз, азизлар ҳам бу гўзал ва бетакрор юртдан олам-олам унутилмас таассуротлар билан қайтасизлар.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос сулув табиати, бой маданияти, урф-одати, тарихий обидалари ва бир-биридан лаззатли таомлари, нозу неъматлари билан ажралиб туради.

Мамлакатимизга яна бир бор ташриф буюринг, бошқа ҳудудларимизни ҳам кўринг, юртимиз ҳақидаги холис фикрларингизни яқинларингиз билан ўртоқлашинг.

Янги Ўзбекистон сайёҳлар учун хавфсиз, хилма-хил контентларга бой, ёрқин таассуротларга тўла туристик макон сифатида хотирангизда ҳамиша муҳрланиб қолади.

Ўзбекистонга хуш келибсиз, азиз дўстлар!

Қадрли юртдошлар!

Бугун дунёдаги мураккаб вазиятга қарамасдан, Ўзбекистон ўз йўлидан дадил бормоқда. Халқимиз тинчлик ва фаровонлик, дўстлик ва ҳамкорлик, бунёдкорлик руҳи билан яшамоқда.

Бизнинг ҳар бир мақсад-режамиз, ҳар бир ислоҳотимиз одамларимиз ҳаётини яхшилашга, уларни рози қилишга қаратилган ва бу ишларимиз, иншооллоҳ, бардавом бўлгай.

Аминманки, сиз, азизлар билан фидокорона меҳнат қилиб, Хоразм ва Қорақалпоғистонни дунёдаги энг гўзал ва обод, илм-фан ва инновациялар, маданият ва санъат янада ривожланган заминга айлантирамиз.

Ана шу олижаноб мақсад йўлида барчангизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Жонажон Ватанимиз ҳамиша омон бўлсин!

Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин!

Катта раҳмат сизларга!

# ШАРҚ ГАВҲАРИ ХОРАЗМ ВОҲАСИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ЙЎЛИДАН ДАДИЛ БОРАЁТГАНИ, ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК РУҲИ БИЛАН ЯШАЁТГАНИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИДИР

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари шоурумда маҳсулот намуналарини кўздан кечирди, уларнинг сифатини ва дизайнини юқори баҳолади.

Хоразм вилоятида мебель ишлаб чиқариш билан 300 дан ортиқ корхона шуғулланади. Соҳадаги якка тартибдаги тадбиркорлар 200 дан ортиқ, 1 минг 300 дан зиёд аҳоли ўзини ўзи банд қилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Хонқа туманидаги "Собиржон Юсуф" оилавий фермер хўжалиги даласида бўлди.

Унинг раҳбари Ойимжон Отажанова 73 ёшда. Қўлигул бу аёл кўчатчилик билан шуғулланаётганига қирқ йилдан ошган. Хўжаликнинг 3 гектар майдонида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирилади. Яна икки гектарда эса боғдорчилик қилинади. Бундан ташқари, 12 сотих иссиқхонада 40 турдаги гул кўчатлари етиштирилади. Иссиқхона замонавий сув тежамкор технологиялар билан таъминланган бўлиб, унинг ҳар бир бўлимида кўчатларнинг тури ва хусусиятидан келиб чиқиб зарур микроиқлим яратилган.

Серғайрат онахон оила аъзоларини ҳам шу ишга бошлаган. Йилига 50 минг тупдан ортиқ кўчат ўстириб, сотилади. Уларнинг йиллик даромади бир миллиард сўмдан ортади.

Эътиборли жиҳати, бу ерда етиштирилаётган кўчатлар қўшни ҳудудлар, Қозоғистон ва Туркманистонга ҳам етказиб берилмоқда.

Боғ жойлашган Гулистон маҳалласида 7 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Ёшлар ва хотин-қизларга ибрат бўлиб, уларни иш билан таъминлашда онахоннинг хизматлари катта. У хозиргача 200 дан ортиқ шогирд етиштирган, 300 нафар ишсиз фуқарони кўчатчиликка ўргатган. Маҳалладаги 70 фоиз хонадон билан касаначилик йўлга қўйилган.

Фидойи деҳқон бу йил тумандаги барча мактаб ва боғчаларга 2 минг дона қарағай кўчатини беғараз тарқатиб, "Яшил макон" лойиҳасига, юртимиз ободлигига ҳисса қўшди.

Бандлик вазирлиги ва банк билан ҳамкорликда хўжаликнинг ёндош ҳудудида ўқув маркази очилган. Унда хўжалик тажрибаси асосида хонадонлардаги самарасиз томорқадан йил давомида даромад олишга ўргатилмоқда. Натижада маҳаллаларда омилкорлик кенгайиб, оилаларга қўшимча даромад кирмоқда.

Ушбу хизматлари, меҳнатсеварлиги ва ёш авлодга намуналигини инобатга олиб, Президентимиз Ойимжон Отажановани "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" унвони билан мукофотлашга қарор қилди.

Аҳоли фаоллиги ошиб, туризм жадал ривожланаётган Хоразмда транспорт хизматлари ҳам яхшиланмоқда. Шу мақсадда "Бунёд йўловчи ташиш" корхонаси томонидан қарийб 8 миллион доллар эвазига 80 та замонавий автобус олиб келинмоқда. Ҳозирга қадар шундан 50 таси келтирилган.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифи чоғида аҳолига яратилаётган қулайликлар билан танишди.

"ЕВРО-5" талабларига муносиб мазкур автобусларнинг сиғими 70 кишилик. Таги паст бўлгани учун ногиронлар ва кексалар учун ҳам қулай. Шунингдек, Wi-Fi ва кузатув камералари ҳам мавжуд. Бундай замонавий жамоат транспортидан кексаю ёш бирдек мамнун.

Аввалги кичик автобусларнинг ҳар бири кунига 200-300 кишини ташиган бўлса, янги автобусларнинг ҳар бири минг кишига хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг қатнов оралиғи вақти ҳам икки баробарга қисқариб, 5-12 дақиқага тушди. Натижада Урганч шаҳрида аҳолининг жамоат транспортидан фойдаланиш даражаси 38 фоизга етди.

Асосийси, бундай шароитлар транспорт етишмовчилиги ва кўчаларда тирбандликнинг олдини олиб, фуқароларнинг эркин ҳаракатланишига хизмат қилмоқда.

Бошқа ҳудудларни ҳам жамоат транспорти билан яхши қамраб олиш учун корхона томонидан тез кунда яна 30 та автобус олиб келиниши кўзда тутилган.

Президентимиз жамоат транспортини туманлар билан самарали боғлаб, йўналишларни қулайлаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Йўлларни таъмирлаб, ҳайдовчилар малакаси ва техник хизмат сифатини ошириш автобуслардан фойдаланиш муддатини узайтиришда муҳим омил экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари юртимизда ишлаб чиқарилаётган вагонлар ва Урганч — Хива электрлаштирилган темир йўлини кўздан кечирди.

Бугунги кунда 465 километрлик "Бухоро — Урганч — Хива" темир йўли электрлаштирилиб, ҳимоя тўсиқлари ўрнатилди ва зарур иншоотлар қурилган. Бу йўналиш учун Жанубий Кореянинг "Hyundai Rotem" компаниясидан юқори тезликдаги 6 та электропоезд харид қилиниб, келгуси йилдан "Жалолиддин Мангуберди" номи остида Тошкент — Хива йўналишига қўйилади.

Натижада йилига 3 миллиондан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатилади. Ҳозирда Тошкентдан Хивага 14 соатда етиб борадиган поезд мазкур йўналишда ҳаракатга қўйиладиган электропоезд имкониятлари туфайли 7 соат 40 дақиқада етиб боради.

Шунингдек, юк поездлари ўтказувчанлиги қарийб 6 миллион тоннага етади. Ҳозир бу кўрсаткич 1 миллион тонна.

Президентимизнинг 2023 йил 10 октябрдаги темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш тўғрисидаги қарори асосида вагонсозлик тармоғи ҳам мустаҳкамланмоқда. Жумладан, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 50 миллион доллар йўловчи вагонлари ишлаб чиқариш учун йўналтирилган. Жорий йил биринчи чоракда дастлабки 10 та йўловчи вагони қуриб битказилди.

Давлатимиз раҳбари улардаги қулайликларни кўздан кечирди.

Келгуси икки йилда йўловчи вагонлари сони 70 тага кўпайтирилиб, эски турдагиларидан босқичма-босқич воз кечилади. Натижада йилига бир миллион нафардан ортиқ қўшимча йўловчини ташиш имконияти яратилади.

Президент ушбу янги поездда жамоатчилик билан бирга Урганчдан Хивага йўл олди. Йўл бўйлаб жойлардаги ободончилик, дала четларида экилган кўчатларни кузатиб борди.

Вилоятда ўтган йили "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида қарийб 10 миллион туп дарахт ва бута кўчатлари экилган. Йирик саноат корхоналари томонидан "яшил белбоғ"лар барпо этилган.

Бу йил эрта баҳорда ҳам зироатчилик кўлами кенгайди. Вилоятдаги 1 минг 100 гектардан зиёд дала четлари ва каналлар атрофидаги майдонларга даромадли маҳсулотлар экилди. Уларни кафолатли харид қилишга тадбиркорлар бириктирилган. "Agroko'makchi" мобил иловаси орқали дала четлари ҳақидаги маълумотлар жамоатчиликка етказилмоқда.

Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини юзага чиқариш бўйича қилинаётган ишлар катта натижа бермоқда. Буни ҳудудга хорижий сайёҳларнинг ташрифи етти-саккиз йил олдинги даврга нисбатан 30 баробар кўпайганида ҳам кўриш мумкин. Соҳадаги ўзгаришлар ҳисобига вилоят туризм хизматлари экспорти 2017 йилдаги 7 миллион доллардан ўтган йили 380 миллион долларга етди.

Сир эмас, илгари ҳудуд туризми ҳақида гапирилганда кўпчилик фақат Ичан қалъани хаёлига келтирар эди. Кейинги вақтларда бу борадаги қарашлар бутунлай ўзгарди. Сайёҳлар учун қирқдан ортиқ туристик йўналишлар ишлаб чиқилди ва уларнинг умумий сони юзтага етди.

Энди бу ерда яна бир ноёб мажмуа — "Арда Хива" бор. Унинг очилиши Хоразм вилоятига Президент ташрифининг муҳим воқеаси бўлди.

Мажмуа қадим кент ичра яна бир бетакрор шаҳарни эслатади. Мазкур маскан ўзида тарих ва бугунни уйғунлаштирган меъморий ечими билан ноёб лойиҳа саналади.

"Арда Хива" ҳудуддаги 25 гектарлик паст унумли, шўрхок майдонда қурилди. Унинг бир томони 150 гектарлик Ғовук кўлга туташиб кетгани, бу майдонларда эса яшил ҳудудлар ташкил этилаётгани лойиҳани сайёҳлар учун янада жозибадор кўрсатишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари мажмуа бўйлаб юриб, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Ҳунармандчилик, бадиий ва амалий санъат кўргазмалари ҳамда бозор расталарини томоша қилди.

Бу ерда сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар яратилган. Хусусан, қадимий шаҳар муҳитини акс эттирувчи бинолар, жами минг ўринли 20 та меҳмонхона қурилди. Очиқ-ёпиқ аквапарк ва аттракционлар, уч минг ўринли амфитеатр ва мусиқали фаввора барпо этилди.

Шунингдек, тарихий қиёфадаги 11 та ҳунарманд уйи, шарқона бозор, "Кўҳна Урганч" музейи меҳмонлар учун қизиқарли бўлади. Икки километрлик каналда қайиқда сайр қилиш имконияти яна бир ўзига хос янгилик.

Бешта кинотеатр ва концерт зали, кўплаб ресторанлар, заргарлик маркази, савдо дўконлари ва расталари, сув мото-туризми жойи ҳамда автотураргоҳ замонавий талабларга мос тарзда қурилган. Ҳудуддаги барча иншоотлар учун ягона совитиш ва иситиш тизими барпо этилган. Электр энергияси таъминоти учун қуёш панеллари ўрнатилган.

Мажмуа йилига уч миллион нафар ташриф буюрувчини қабул қилиш имкониятига эга. Бу ерда икки мингдан зиёд киши иш билан таъминланади.

"Ичан қалъа" тарихий бўлса, "Арда Хива" Хоразмнинг замонавий "ташриф қоғози" бўлади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда хоразмлик ёшлар билан самимий мулоқот қилди.

— Ҳар қандай захира, ерости бойликлари қачонлардир тугайди. Лекин боболаримиз бизга шундай буюк маънавий мерос, улуғвор обидалар қолдирганки, улар асрлар давомида халққа хизмат қилиб келяпти. Биз мана шу бойликдан элимиз манфаати йўлида фойдаланишимиз керак. Анча ишлар қилинди, лекин ҳали режалар ҳам кўп. Мен бу йўлда сиз, ёшларга ишонаман. Сизлар баланд чўққиларни кўзлаб, шунга яраша билим олсангиз, замонавий касбларнинг устаси бўлсангиз, юксак мақсадларимизга, албатта, эришамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ёшларнинг ўқишдаги муваффақиятлари, орзу-интилишлари ҳақида фикр алмашилди.

Хива шаҳрида "Арда Хива" халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросими бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев маросимдаги нутқида вилоятнинг буюк ўтмиши ва бугунги туризм салоҳияти ҳақида сўзлади.

— Хоразм дунё цивилизацияси ва маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ гавҳаридир. Бу кўҳна юрт жаҳонга донғи кетган не-не олиму фозиллар, саркарда ва султонлар, азиз авлиёлар, бетакрор шоир ва ҳофизлар ватанидир, — дея таъкидлади давлат раҳбари.

Бу ердаги муҳташам тарихий обидалар бебаҳо бойлик экани қайд этилди. Очиқ осмон остидаги шаҳар-музей — "Ичан қалъа" мажмуаси умумбашарият хазинаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Вилоятда 260 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд. Улар ўзининг ноёб ва гўзал меъморий қиёфаси билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг жаҳон равнақидаги бетакрор ўрнини белгилаб берадиган тирик тарихдир.

Бугунги кунда бунга асосланиб, туризмни ривожлантиришга алоҳида стратегик йўналиш сифатида эътибор қаратилмоқда. Тарихий ёдгорликлар, маданий мерос объектлари асраб-авайланиб, глобал туризм тармоғига фаол жалб қилинмоқда.

Шу билан бирга, ўзида тарих ва замонавийликни мужассам этган йирик туристик мажмуалар ҳам барпо қилинаётир. "Арда Хива" шундай улкан режаларнинг яна бир амалий натижасидир. Ушбу муҳташам халқаро туристик масканда 17 та меҳмонхона ва меҳмон уйлари, 9 та ресторан, очиқ ва ёпиқ аквапарклар, 3 минг ўринли амфитеатр, 5 та кино ва концерт зали, кўргазмалар павильони, 70 та дўкон, 300 та савдо растаси, 11 та ҳунармандлар уйи, Шарқ бозори ва заргарлик маркази, фавворалар, соҳил бўйи йўлаги бор.

Бундай ишлар ҳисобидан вилоятга туристлар оқими қўшимча равишда 1 миллион нафарга ошади, хизматлар 1,2 триллион сўмга кўпаяди, камида 2 мингта иш ўрни яратилади.

— Ишончим комил, "Арда Хива" Хоразмдаги туризм ривожида янги саҳифа очади, вилоятнинг иккинчи "ташриф қоғози"га айланади. Ушбу бетакрор маскан Хоразмга, бутун халқимизга муборак бўлсин, — деди Президентимиз.

Яна бир янгилик — энди Хива туманидан 2 минг 400 гектар ер Хива шаҳрига ўтказилиб, у жойда "Саҳро юлдузи" туристик мажмуаси бунёд этилади. Унда меҳмонхоналар, кўнгилочар марказлар, гастрономик ва савдо кўчалари, музейлар, экоуйлар, ёзги лагерь, экстремал туризм жойлари бўлади.

Шунингдек, Тупроққалъада чўл ҳудудидаги 5 минг гектар ерда сафари ва ов туризми ривожлантирилади. Урганч шаҳри, Шовот, Қўшкўпир, Хива ва Ҳазораспдан оқиб ўтадиган Ғазовот, Полвон, Шовот каналлари бўйларида 50 миллион долларлик 80 та хизмат кўрсатиш, савдо-кўнгилочар объектлари ишга туширилади. Боғот, Гурлан, Янгибозор ва Урганч туманида туризм қишлоқлари ташкил этилади.

Маъмун академияси биноси олдидаги 2 гектар боғ "Буюк алломалар" номли очиқ осмон остидаги "смарт" музейга айлантирилади. Шу асосда Хоразм юртида камол топган ўнлаб мумтоз аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, бой ижодий мероси интерактив усулда бир нечта хорижий тилларда сайёҳларга тақдим этилади.

Давлатимиз раҳбари Амударёнинг икки соҳилида жойлашган Хоразм ва Қорақалпоғистон элини Худои таолонинг ўзи тақдирдош қилиб яратганини таъкидлади. Шу боис, Хоразмда туризмни ривожлантириш Қорақалпоғистон билан ҳамоҳанг равишда, ягона концепция асосида амалга оширилади. Бунинг учун "Хоразм — Қорақалпоғистон" туризм ҳалқаси лойиҳаси ишлаб чиқилади. "Урганч — Гурлан — Манғит" автомобиль йўли тўлиқ реконструкция қилинади.

Сўнгги йилларда Хива шаҳрига темир йўл тортилиб, янги вокзал қурилди, "Бухоро — Урганч — Хива" темир йўли тўлиқ электрлаштирилди. 2026 йилда ушбу йўналиш бўйлаб Жалолиддин Мангуберди номи билан аталадиган замонавий тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйилади. Яқин келажакда бу тезюрар поездлар Нукусгача боради.

Президентимиз маросимда қатнашаётган хорижлик меҳмонларни ҳам қутлаб, ҳамкор элларга ҳурмат ва эзгу тилакларини билдирди.

— Бугун дунёдаги мураккаб вазиятга қарамасдан, Ўзбекистон ўз йўлидан дадил бормоқда. Халқимиз тинчлик ва фаровонлик, дўстлик ва ҳамкорлик, бунёдкорлик руҳи билан яшамоқда. Бизнинг ҳар бир мақсад-режамиз, ҳар бир ислоҳотимиз одамларимиз ҳаётини яхшилашга, уларни рози қилишга қаратилган ва бу ишларимиз, иншооллоҳ, бардавом бўлгай. Аминманки, сиз, азизлар билан фидокорона меҳнат қилиб, Хоразм ва Қорақалпоғистонни дунёдаги энг гўзал ва обод, илм-фан ва инновациялар, маданият ва санъат янада ривожланган заминга айлантирамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маросим катта концерт намойиши билан якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Аҳмаджон ШОКИРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

Ижтимоий ҳимоя

# "ИНСОН УЧУН" КЎРГАЗМАСИ

## ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛАРГА МАЙДОН

**Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида "Инсон учун" деб номланган республика кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу кўргазмада ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар тақдим этиляпти.**




Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлиги ва манзиллилигини ошириш борасидаги изчил ислоҳотлар туфайли аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаси янги босқичга олиб чиқилиб, ягона марказлашган тизим сифатида шакллантирилди. Ҳозир туман ва шаҳарларда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари ва ҳар бир маҳаллада ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилди. Маҳалла даражасида 12 тоифадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 100 дан ортиқ ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш тизими яратилди.

Бу борадаги ишлар изчиллигини таъминлашда иккинчи марта ўтказилаётган мазкур кўргазманинг ҳам алоҳида ўрни бор. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маълумотига кўра, мазкур кўргазма ўтган йили юқори натижалар билан якунланган. Унда 250 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти иштирок этган, улардан 212 таси ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаган корхоналар эди. Унга келганлар 300 миллион сўмлик маҳсулот харид қилган. Давлат ташкилотлари, йирик корхоналар ва тадбиркорлар ўртасида умумий қиймати 440 миллиард сўмни ташкил этувчи 900 га яқин хўжалик шартномаси имзоланган. Бу эса ногиронлиги бўлган шахслар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни бозорга чиқариш ва иқтисодий имкониятларини кенгайтиришда самара бермоқда.

Ушбу анъана давом эттирилиб, бу йил ҳам тадбир юқори савияда ўтказилмоқда. Унда 150 га яқин тадбиркор ва иш берувчилар, ҳунармандлар иштирок этяпти. Улар томонидан мебель, тўқимачилик, пойабзал, спорт жиҳозлари, озиқ-овқат, маиший техника, полиграфия ва бошқа турдаги маҳсулотлар намойиш этилаётир. Шу билан бирга, маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланмоқда.

Анъанавий тадбирлардан фарқли ўлароқ, жорий йилги кўргазма мазмун жиҳатидан янада бой ва диққатга сазовор тарзда ташкил этилаётир. Унинг доирасида ногиронлиги бўлган шахсларга тенг меҳнат имкониятини яратиш, улар учун мослаштирилган иш муҳитини таъминлаш, жамоага тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиш борасида ташаббус кўрсатган ташкилот ва компаниялар тақдирланади.

Шунингдек, "Инсон учун" ҳужжатли фильми премьераси бўлиб ўтади. Ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган махсус лойиҳалар тақдимоти ўтказилади. Бу орқали технологиялар ва бизнеснинг ижтимоий масъулиятли ёндашуви жамиятдаги тенгликни таъминлашга қандай хизмат қилаётгани кенг жамоатчиликка етказилади.

"Имкониятлар" олимпиадасининг финал босқичи ва ғолибларни тақдирлаш маросими ҳам ўтказилади. Етакчи компаниялар билан ҳамкорликдаги инклюзив ташаббуслар тақдимоти ташкил этилади. Бу лойиҳалар тадбиркорлик ва ижтимоий масъулиятни уйғунлаштириш, корпоратив инклюзив маданиятни ривожлантиришга хизмат қилади.

— Юқори савияда ташкил этилган бундай кўргазмада иштирок этиш имконига эга бўлганимиздан мамнунмиз, — дейди Чирчиқ шаҳридаги "Саховат зиё" масъулияти чекланган жамияти директори Элдор Раббимов. — Ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий масала ҳамдир. Шу боис, бундай хайрли ишга ҳисса қўшаётган тадбиркорлар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Энди ногиронлиги бор инсонларни ишга олган корхоналарга имтиёзлар кўлами янада кенгаяди. Бу биз, тадбиркорлар учун ҳам имконият, ҳам масъулиятдир. Бундан унумли фойдаланиб, хайрли ишларга доимо ҳисса қўшиш инсоний бурчимиздир.

Бугун "Саховат зиё" МЧЖда ишлаётган ходимларнинг тенг ярми ногиронлиги бўлган инсонлардир. Корхона маъмурияти улар ишлаши ва ўз вақтида дам олиши учун қулай шароит яратган. Тадбиркор Элдор Раббимов келгусида фаолиятини кенгайтириб, ногиронлиги бор шахслар учун иш ўринларини кўпайтириб бориш ниятида. Шу маънода, ушбу кўргазма тадбиркорнинг эзгу режаларини рўёбга чиқаришда яна бир имконият бўлди. У кўргазманинг биринчи кунидаёқ қиймати қарийб 500 миллион сўмга яқин 4 та шартнома тузишга муваффақ бўлди.

Ушбу тадбир ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминловчи корхона ва ташкилотлар фаолиятини тарғиб қилиш, маҳсулот ва хизматларнинг бозорда кенг ўрин эгаллашига кўмаклашиш, янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда ишлаб чиқарувчилар учун ўзига хос платформа бўлади.

**Баҳор ҲАЗРАТҚУЛОВА,**
**журналист**

Бугуннинг гапи

# МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ САЙЛОВИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТМОҚДА

**Мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир — маҳалла раислари сайлови бошланди. Бу йилги сайловлар янгича демократик тамойиллар асосида, очиқлик ва ошкоралик, фуқароларнинг хоҳиш ва иродасини эркин ифода этиш принципларига хос тарзда ўтказилишида барча куч ва имкониятлар сафарбар этилди. Йил бошиданоқ ушбу сиёсий тадбирга қизғин тайёргарлик кўрилди.**

Айни пайтда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида республика штаби, 14 та ҳудуд ҳамда 208 та туман ва шаҳарда маҳалла раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ҳузурида штаблар фаолияти йўлга қўйилган. Кўмаклашувчи комиссияларнинг маҳалла раислари сайловига доир 32 турдаги ҳужжат лойиҳалари тайёрланиб, ҳудудларга етказилди.

Маҳалла раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича медиа-режа ишлаб чиқилди. Сайлов ўтказиладиган кун, вақт ва жой ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг mahallas.uz расмий веб-сайтида жойлаштириб борилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Наманган вилоятининг Уйчи туманида ҳам сайловга уюшқоқлик билан ҳозирлик кўрилди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман бўлими маълумотига кўра, туманда маҳалла сайловида иштирок этадиган вакиллар сони 18 минг 637 нафарни ташкил этади. Аҳолининг маҳаллалардаги сиёсий жараёнлардан хабардорлигини ошириш ва фаол иштирокини таъминлаш, сиёсий жараённи муносиб тарзда ўтказиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда жараён ташкил этиляпти.

Режага мувофиқ, маҳалла фуқаролар йиғини раиси сайлови ўтадиган бино-иншоотлар белгилаб олинди. Фуқаролар йиғинлари раислари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия аъзолари маҳаллалардаги ишчи гуруҳларга бириктирилди.

— Маҳалла раислигига номзодларни кўрсатишда аҳолининг тегишли барча қатлами фаол иштирок этиб, ўз маҳалласи, ҳудудидаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан яшаётганини намоён этди, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Уйчи тумани бўлими бош мутахассиси Нуриддин Азимов. — Ўз навбатида, ишчи гуруҳ аъзолари ва комиссия вакиллари ҳам аҳоли ташаббусини қўллаб-қувватлаб, сиёсий тадбирни тегишли қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда ўтказишга алоҳида эътибор қаратяпти. Бу йилги сайловда тумандаги 168 номзод ўз маҳалласи аҳлининг ишончини қозониш ва масъулиятли вазифа бўлган маҳалла раислигига сайланиш учун курашади.

Сайлов 1 май куни тумандаги "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғинидан бошланди. Белгиланган режага мувофиқ, 1-24 май кунлари Уйчи туманидаги барча маҳаллада ушбу тадбирни ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳамкорлик руҳида ўтказиш белгиланган.

Қонунчилигимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг ваколат муддати 5 йилга узайтирилди. Бу ўзгаришнинг аҳамияти бир қанча жиҳатда кўринади. Аввало, маҳалла раиси фаолиятида узвийлик таъминланади. Маҳалла раисига 5 йиллик ваколат бериш лойиҳаларни бошлаш, амалга ошириш ва якунлаш учун етарли вақтдир. Бу, ўз навбатида, ҳудуддаги ислоҳотлар, ижтимоий дастурлар ва ташаббуслар узвийликда олиб борилишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш соҳаларида кенг қамровли ташаббусларни амалга ошириш учун имконият яратади. Фуқаролар олдида ҳисобдорлик механизми кучаяди. Бу эса одамлар билан очиқ мулоқот, ҳисобдорлик ва жамоатчилик назоратининг амалий ифодасига айланади. Буларнинг барчаси раиснинг масъулияти ва обрўси ортиши, маҳалладаги ислоҳотлар изчил ва бардавом бўлишига замин яратади.

Шу боис, бу тадбирни юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолининг маҳалла фуқаролар йиғини раиси сайлови бўйича хабардорлигини ошириш, шунингдек, одамларни сайловга чорлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада сайловга оид тарғибот плакатлари, баннерлар, электрон таблоларга туркум чақириқлар акс эттирилган видеороликлар жойлаштирилди.

Ушбу тадбир маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрни, нуфузи янада мустаҳкамланиб, уни аҳолига ижтимоий кўмак кўрсатишнинг адолатли, таъсирчан институтига, самарали жамоатчилик назорати ўрнатадиган, одамларга энг яқин халқчил тузилмага айлантиришда самара беради.

**Б. ХИДИРОВА**



**“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини халқнинг чинакам “овози”га айлантириш, ҳудудий бошқарувни аҳоли манфаатларига хизмат қилиш тамойили асосида ташкил этиш вазифаси белгиланган. Сўнгги йилларда бу борада кенг қамровли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, соҳанинг қонунчилик базаси мустаҳкамланди, маҳаллий кенгашларнинг демократик қиёфаси тубдан янгиланди, ваколати кенгайтирилди.**

# МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР

## ХАЛҚИМИЗНИНГ ЧИНАКАМ “ОВОЗИ”ГА АЙЛАНА ОЛАДИМИ?

Ўтган йили мамлакатимизда Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар жамиятимиздаги демократия, очиқлик ва шаффофлик тамойиллари ривожига хизмат қилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жумладан, маҳаллий кенгашлар фаолиятини тубдан такомиллаштиришда янги даврни бошлаб берди. Мамлакатимизда маҳаллий бошқарувда сифат жиҳатидан янги модел жорий этилаётган ҳозирги вақтда бу ўзгаришлар, шубҳасиз, халқимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш орқали инсон қадрини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.

Ўтган йили 19 ноябрда Олий Мажлис Сенатининг биринчи йиғилишида Президентимиз дунёдаги мураккаб вазиятга йиғилганлар эътиборини қаратиб, **“Мана шундай ғоят таҳликали вазиятда биз фақат кучли ирода, бирлик ва ҳамжиҳатлик, қаттиқ меҳнат билангина юртимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга эриша оламиз. Ҳурматли сенаторларимиз, маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларимиз ана шу ўткир ҳақиқатни, ўз зиммаларидаги улкан масъулиятни чуқур англаб иш олиб борадилар, деб ишонаман”,** деган эди. Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган улуғвор вазифаларни амалга оширишда халқ вакилларининг ролини янада ошириш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилганди.

Айни пайтда жойларда фаолият юритаётган маҳаллий кенгашлар бу борада қандай ишларни бажармоқда? Қонунларда ҳудудий ва давлат манфаатлари уйғун бўлишига эришиш, ҳудудларни ривожлантиришга оид дастурлар ижросини таъминлашда қандай натижаларга эришилмоқда? Маҳаллий кенгашлар раисларидан баъзиларининг шу хусусдаги фикрлари билан қизиқдик.

## ДЕПУТАТЛАР ТАШАББУСКОР БЎЛСА, МУАММОЛАРГА ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПИЛАДИ



**Исмигул ХУШМУРОДОВА,
халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгаши раиси:**

— Янги таҳрирдаги Конституциямизда янги Ўзбекистонни барпо этишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиш билан бирга давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, ҳокимларнинг халқ депутатлари вилоят кенгашига раислик қилиш амалиёти бекор қилинди.

Президентимиз Олий Мажлис Сенатининг ўтган йил ноябрдаги биринчи йиғилишида ушбу ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини изоҳлар экан, **“Биз ушбу сиёсий ислоҳот орқали халқимизнинг 30 йиллик орзусини рўёбга чиқардик, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз”,** деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид долзарб масалаларни ҳал қилишда маҳаллий кенгашлар фаолияти муҳим ўрин тутади. Шу боис, сўнгги йилларда маҳаллий кенгашларнинг ваколати оширилди. Уларнинг олдида ҳисобдор бўлган маҳаллий ижро этувчи органлар таркиби кенгайтирилди. Ўз навбатида, маҳаллий кенгашлар ҳам бу имкониятдан оқилона фойдаланиб, жамиятимиздаги ислоҳотлар самарадорлигига ҳисса қўшмоқда.

Вилоят кенгашига депутатлар орасидан сайланган депутатнинг раҳбарлик қилиши кенгашларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш, депутатларнинг маҳаллий ижро органлари билан самарали мулоқотини йўлга қўйиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда. Бугун халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашида 60 депутат шу йўналишда фаол ишламоқда.

Хусусан, “Кучли кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида депутатлар фаолиятини самарали ташкил этиш, сайловчилар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишда “маҳалла еттилиги” ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Халқ депутатлари вилоят кенгашининг жорий йил биринчи чорагида бўлиб ўтган сессияларида шу йўналишдаги 60 га яқин масала кўрилди. Ҳудудий ва халқаро ҳамкорликдаги дастурлар ижроси юзасидан таъсирчан депутатлик назоратини кучайтириш, кенгаш фаолиятига ёшларни кенг жалб қилиш, уларнинг кенгаш қарорларини қабул қилишдаги иштирокини кенгайтириш бўйича қатор ишлар бажарилди.

Қонун устуворлигини таъминлаш, депутатлар ва сайловчилар ўртасида самарали мулоқот ўрнатиш мақсадида вилоят кенгаши депутатлари томонидан жорий йил 3 ойи давомида 71 маротаба учрашув ўтказилиб, уларда аниқланган 105 та масаланинг 88 таси жойида ҳал этилди, қолган 17 таси назоратга олинган.

Мисол учун, Чироқчи туманидан ўтувчи автомобиль йўлини реконструкция қилиш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, маҳаллий бюджетдан тегишли маблағ ажратилди. Бугун қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

Криминоген вазияти оғир маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш ҳамда аҳоли осойишталигини таъминлаш мақсадида 35 та маҳалланинг кириб-чиқиш жойига кузатув камералари ўрнатиляпти.

Сайловчиларнинг вилоят кенгашига мурожаати асосида Қарши туманидаги Туморчи қишлоғида мактабгача таълим ташкилоти қурилиши бошланди.

Ҳозир Қарши шаҳридаги 31-мактабда 1667 ўқувчи таълим олмоқда. Билим маскани серқатнов йўл бўйида жойлашганини ҳисобга олган ҳолда ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш учун пиёдалар қатновини тартибга солувчи светофор ва йўл белгилари ўрнатилди.

Кўп қаватли уйлар тўлақонли иситилмаётгани, натижада қишда электр энергияси учун катта миқдорда пул тўланаётгани хусусида тез-тез мурожаатлар бўлади. Ушбу муаммога ечим топиш мақсадида уйларнинг иссиқлик тизимини таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилиб, таъмирлаш ишлари жадал бажариляпти.

Шу йил май-июнь ойларида маҳалла раислигига сайлов бўлиб ўтади. Айни пайтда юксак уюшқоқликда бошланган ушбу муҳим сиёсий тадбирни миллий қонунчилигимиз ва халқаро андозалар асосида ташкил этишда маҳаллий кенгашлар ҳам фаол ишлаяпти. Бу галги сайловлар янгича демократик тамойиллар асосида, очиқлик ва ошкоралик, фуқароларнинг хоҳиш ва иродасини эркин ифода этиш принципларига хос тарзда ўтказилмоқда.

Бу борада қонунчилигимизга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, маҳалла раиси сайловини ўтказиш муддатини белгилаш ваколати Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳри кенгашларига ўтказилган. Ушбу янги тартиб маҳаллаларнинг маҳаллий вакиллик органлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишига ёрдам бермоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад маҳалла раиси сайловига тайёргарлик тадбирлари, ўтказиш муддати ва тартибини белгиловчи ваколатларни номарказлаштиришдир. Айни кунларда вилоятимизда бу тадбир очиқлик, ошкоралик тамойиллари асосида ташкил этиляпти.

Вилоятда хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш бўйича ишлар мутлақо янгича ёндашув ва тизим асосида йўлга қўйилмоқда. Оилавий тадбиркорлик учун кредитларнинг катта қисми улар таклиф этган лойиҳаларга йўналтириляпти. Вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳлари ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида хонадонбай ўрганиш ўтказиб, опа-сингилларимизнинг тадбиркорликка қизиқиши, даромад топишга қаратилган муайян фаолият билан шуғулланиш истагини ўрганмоқда. Шу асосда уларни ишга жойлаштириш, жамоат ишларига жалб қилиш орқали бандлиги таъминланяпти. Хусусан, жорий йил биринчи чорагида 12 минг 448 хотин-қиз иш билан таъминланди. Ишсиз 3638 опа-



синглимиз касб-ҳунарга ўқитилди, 3959 нафари тадбиркорликка йўналтирилди.

Тижорат банклари, камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармалари билан биргаликда тадбиркорлик қилиш, даромад топишга қаратилган муайян иш билан шуғулланиш ва фаолиятини кенгайтириш истагидаги хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Ҳар бир маҳалла ва қишлоқда оилавий тадбиркорлигини йўлга қўймоқчи бўлган, касаначилик ва томорқа хўжалиги билан шуғулланиш истагидаги хотин-қизларга молиявий кўмак ва субсидия ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоятимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, қобилият ҳамда имкониятларини рўёбга чиқариш, жамиятнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Уларни тадбиркорликка жалб қилиш, касб-ҳунарга ўргатиш орқали бандлиги таъминланяпти. Жорий йилда ишсиз, меҳнат бозорига кириб келган 70 минг 544 ёшнинг бандлигини таъминлаш орқали фаровонлигини ошириш диққат-эътиборимизда. Шу йўналишдаги чора-тадбирлар натижасида ўтган уч ойда 30 минг 493 йигит-қиз иш билан таъминланди.

Жумладан, 1527 нафари касб-ҳунарга, 494 нафари эса тадбиркорликка ўқитилди. Бир гуруҳ ёшга бандликка кўмаклашиш, камбағалликни қисқартириш ва “Ёшлар дафтари” жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилиб, тадбиркорлигини йўлга қўйишга кўмаклашилди.

**Янги таҳрирдаги Конституциямизга мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатлари, маҳаллий кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилгани ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий тамойилнинг маҳаллий даражада ижросини таъминлашда муҳим қадам бўлди.**



## АҲОЛИ ВА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛ МУЛОҚОТИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

***Жамол АШУРОВ,
халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгаши раиси:***

— Бухоро вилоятида барча соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, юқори ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш орқали аҳоли саломатлиги ҳамда турмуш даражасини янада яхшилаш бўйича кенг қамровли ишлар катта самара беряпти.

Биргина 2025 йилнинг биринчи чорагида бу борада эришилган натижаларни таҳлил қилар эканмиз, барча соҳада сезиларли ўсиш суръати таъминланганини кўрамиз. Масалан, вилоятимизда шу даврда ялпи ҳудудий маҳсулот қиймати 14,6 триллион сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106 фоизга етган. Вилоятда 71,9 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди, 266,1 миллион долларлик хорижий инвестиция ўзлаштирилди.

Инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши эвазига 1200 га яқин янги иш ўрни очилди. Маҳаллийлаштириш лойиҳалари доирасида импорт ўрнини босувчи 10 турдан ортиқ янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Албатта, бу чора-тадбирлар аҳоли турмушини яхшилаш, ишсизлик, камбағаллик каби муаммоларга қарши курашиш, оилалар даромадини оширишда самара бермоқда.

Масалан, жорий йилнинг уч ойида 53,5 мингдан зиёд фуқаро бандлиги таъминлангани, камбағаллик даражаси 2024 йилдаги 7,3 фоиздан 6,9 фоизгача туширилгани фикримиз исботидир.

Айни пайтда бундай хайрли ишлар изчил давом эттирилаётир. Жумладан, инвестиция дастури доирасида қурилиши режалаштирилган 74 та объектдан 72 тасида лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва экспертизага топширилган. Уй-жой қуриш дастури доирасида 725 хонадонли 17 та кўп қаватли турар жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Аҳолини марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш даражаси бугун 74,3 фоизни ташкил этмоқда. Йўл инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларига узлуксиз электр энергияси етказиб бериш, аҳолининг саломатлигини асраш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга йўналтирилган ишлар қамрови йилдан йилга кенгаймоқда.

Бу борадаги хайрли ишлар бардавом бўлишида маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти ҳам муҳим. Зеро, юртимиздаги демократик ислоҳотлар жараёнида маҳаллий кенгашлар аҳоли ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида фаол мулоқот учун шароит яратишда ташаббускор бўғинга айланмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямизга мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатлари, маҳаллий кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилгани ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий тамойилнинг маҳаллий даражада ижросини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Ҳудудларда давлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш, атмосфера ҳолатига таъсир кўрсатувчи корхоналар, иншоотлар, транспорт магистраллари ва бошқа объектларни қуриш жойларини белгилаш, иш ўринларини ташкил этишга эҳтиёжнинг дастлабки параметрларини тасдиқлаш, ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни белгилаш, инвестиция фаолиятида эшитувларни амалга ошириш, илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларни тасдиқлаш каби 33 та ваколат маҳаллий ҳокимликлардан кенгашларга олиб берилди. Бу эса ушбу масалалар бўйича қарорлар халқ фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилинишига асос бўлмоқда.

Ушбу йўналишда вилоятимизда ҳам кенг қамровли ишлар бажариляпти. Жумладан, жорий йилда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг 52 та сессияси ўтказилиб, уларда ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш билан боғлиқ 562 та масала муҳокама қилинди. Кенгаш фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида ўтказилган барча сессия оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тўғридан тўғри эфирга узатилиб, чиқарилган 524 та қарор очиқ платформа (“E-qaror”) тизими орқали расмийлаштирилди.

Давлат органлари ва идоралари раҳбарларининг ҳисобдорлигини таъминлаш мақсадида сессияларда 269 маротаба ижро органлари раҳбарларининг ҳисоботи ва ахбороти муҳокама қилинган. Маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш талаби билан 353 та депутатлик сўрови юборилган. Давлат бюджети маблағидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, бу борада жамоатчилик иштироки ва назоратини кенгайтириш мақсадида жорий йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ажратилган 142,2 миллиард сўм халқ депутатлари вилоят кенгаши қарорлари асосида йўналтирилиб, ушбу маблағ ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар ижроси депутатлар томонидан ўз сайлов округлари бўйича мунтазам назорат қилиб борилмоқда.

Шунингдек, маҳаллий кенгашлар депутатлари томонидан жойларда ўтказилган ўрганиш ва сайловчилар билан учрашувларда аниқланган муаммо ва таклифлар асосида вилоятдаги ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш учун тегишли маблағ йўналтирилди. Мазкур маблағнинг мақсадли сарфланиши ҳам депутатлар томонидан алоҳида назорат қилиб борилмоқда. Шу билан бирга, давлат ва ҳудудий дастурлар бандларининг ўз вақтида, сифатли бажарилиши маҳаллий кенгашлар томонидан доимий ўрганиб борилмоқда.

Албатта, эришилган ҳар бир ютуқ ўзимизники. Аммо ҳали қилиниши керак бўлган ишлар ҳам талайгина. Зеро, ҳаёт давом этар экан, ҳудудларни ривожлантириш, аҳолининг талаб ва эҳтиёжини тўла қондириш бўйича янги-янги вазифалар ҳам пайдо бўлаверади. Бу ҳолатни ўз вақтида илғаш учун маҳаллий кенгашлар депутатлари доимо халқ ичида бўлиши лозим.

Қолаверса, маҳаллий кенгашлар вазирлик ва идораларнинг қуйи бўғинлари, айниқса, туман ва шаҳар бўлинмалари билан жойларда янгича ёндашув асосида ишлаши давр талабидир.

Фаолиятимизда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Мақсадимиз — белгиланган ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни тўла рўёбга чиқариш орқали вилоятимизни ҳар жиҳатдан ривожлантириш ва аҳолини рози қилиш. Бунинг учун салоҳият, куч ва имконият етарли. Барчамиз ўз ишимизни танқидий баҳолаб, уни бутунлай янгича ташкил этиш, ватан ва халқ манфаати йўлида якдил ва ҳамнафас бўлишга интилсак, ишончим комилки, кўзланган режаларга, албатта, эришамиз.

Айни пайтда мамлакатимизда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид давлат дастури доирасида жамиятимизнинг барча соҳасида муҳим ислоҳотлар изчил давом этяпти. Бу жараёнда ҳар бир инсон ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароит яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, бу йил 5 миллион 200 минг кишининг бандлигини таъминлаш, 1,5 миллион одамни камбағалликдан чиқариш, 42 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиб, экспортни 30 миллиард доллардан ошириш ҳисоб-китоб қилинган.

Шунингдек, инсон ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, таълим, ижтимоий ҳимоя ва бошқа тизимларни такомиллаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий, маданий ва экологик жиҳатдан ривожлантириш мақсадида муҳим кўрсаткичлар белгиланиб, уларни бажариш бўйича изчил ишланяпти.

Табиийки, бу борада кўзланган натижаларга эришишда маҳаллий кенгашлар фаолияти муҳим. Уларнинг тизимли ишлари, кенгаш назорати ва сўрови институти фаолияти тобора такомиллашиб бораётгани жамиятимиздаги очиқлик ва шаффофлик муҳитини янада яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришда самара бериши шубҳасиз.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.**



# ТАРИФЛАР ЯНГИЛАНДИ

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИИЙ ГАЗ ТЎЛОВИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БОР?

Кун мавзуси



**Охирги бир йилда электр ва газ истеъмоли учун жорий этилган ижтимоий норма масаласи халқимиз орасида асосий суҳбат мавзусига айланди. 200 киловаттлик ижтимоий норма ниҳоятда оз экани борасидаги эътирозлар анча вақтгача кун тартибидан тушмади. Бу масала ҳозир ҳам долзарб, аммо кўпчилик ижтимоий норманинг моҳиятини анча тушуниб олди. Ҳатто электр энергияси учун аввалгидек барча истеъмолчи бир хил тарифда эмас, балки ҳамма фойдаланганига яраша пул тўлаётгани ижтимоий адолатнинг бир кўриниши эканини ҳам англаяпмиз. Қатор давлатларда шундай норма амал қилишини кўпчилик яхши билади. Қолаверса, мутахассислар бу норма қатъий белгиланган, энди хизмат ҳақи фақат шу тартибда тўланишини айтгач, ўзимиз ҳам шунга кўникиб қолдик.**

Ижтимоий норма бекор қилинмаса-да, тўлов суммаси ўзгариб туриши бор гап. Яъни электр энергияси ва табиий газ нархи бошқа истеъмол маҳсулотлариники каби ошиб бориш хусусиятига эга. Ўтган йили майда илк бор электр энергияси ва табиий газ учун жорий этилган ижтимоий норма билан бирга, нархи ҳам оширилган эди. 2019 йилдан буён ошмай келган электр энергияси нархи бирдан 52,5 фоиз кўтарилган. Ўшанда электр энергияси нархи бир ойга 200 киловаттгача — 450 сўм, 1000 киловаттгача — 900 сўм этиб белгиланди. Ушбу меъёр ортиши билан нарх ҳам ўсиб боради. Ўтган бир йилда ана шу нарх асосида пул тўлаб келаётгандик.

*Аммо жорий йил 1 майдан бошлаб юртимизда электр энергияси ва табиий газ учун янги тарифлар белгиланганди. Шу билан бирга, истеъмолчилар учун "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ томонидан янги тарифларни ҳисоблаш учун "Электр энергиясининг истеъмол қилиш калькулятори" ҳам янгиланди.*

**Энди электр энергияси учун базавий меъёр бўйича 200 киловатт-соатгача 600 сўм (бунгача 450 сўм эди), 201 киловаттдан 500 киловатт-соатгача 800 сўм, 501-1000 киловатт-соат учун 1000 сўм; табиий газ учун эса ойига 500 куб метргача 1000 сўм (бунгача 650 сўм эди), 501-2500 куб метргача 1800 сўм пул тўланади. Энергетика вазирлиги маълумотига кўра, графикдаги ўзгаришлар аҳоли учун енгиллик яратишга қаратилган. Буни мутасаддининг ўзи изоҳлаб, тарифлардаги фарқларни тушунтириб бергани мақсадга мувофиқ.**

— Ҳукуматнинг ўтган йилдаги тегишли қарорида 2025 йил 1 апрелдан электр энергияси ва табиий газ нархи оширилиши кўрсатилган эди, — дейди энергетика вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Ҳасан Тошхўжаев. — Бироқ давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан, нарх оширилиши муддати бир ойга — 1 майгача кечиктирилди. Қолаверса, бир йил давомидаги ўрганишлар, аҳолининг фикр ва таклифлари, эътирозлари инобатга олиниб, тегишли ташкилотлар билан келишилган ҳолда тарифларга ўзгартириш киритилди. Хусусан, 201 киловатт-соатдан 1000 киловатт-соатгача бўлган дифференциаллашган тариф бўйича истеъмол миқдори орасига янги кўрсаткич киритилмоқда. 2025 йил 1 майдан бошлаб истеъмолчилар 201 киловатт-соатдан 500 киловатт-соатгача бўлган электр энергияси учун 900 сўм эмас, балки 800 сўмдан тўлайди. Аввалги тартибга кўра, ишлатилган электр энергиясининг 201 киловатт-соатдан 1000 киловатт-соатгача бўлган қисми учун 900 сўмдан ҳақ тўланган.

Соддароқ тушунтирсак: масалан, бир ойда ўртача 500 киловатт-соат электр энергияси истеъмол қиладиган хонадон аввал 360 минг сўм тўларди, энди ҳам тўлов миқдори ўзгармайди, аммо тарифлар бошқача тақсимланади: 200 киловатт учун 120 минг сўм, 300 киловатт учун эса 240 минг сўм. Яъни улар учун нарх ошаётгани йўқ. Ҳисоб-китобларга кўра, аҳолининг 88 фоизи ойига 500 киловаттгача электр энергияси сарфлашини инобатга олсак, кўпчилик учун нарх ўзгаришсиз қолаётгани кўринади. Нархлар ошиши асосан ойига 501 киловаттдан кўп электр энергиясидан фойдаланадиган оилалар учун сезилади. Шунда ҳам бу миқдор учун ҳозиргача 810 минг тўланган бўлса, энди бу сумма 860 минг сўмга айланади. Яъни 50 минг сўм ошяпти. Бу кунига тахминан 1600 сўмдан қўшиляпти, дегани. Холис айтсак, шунча миқдордаги электр энергияси сарфлайдиган хонадон шунга яраша тўлов имкониятига эга. Боиси, 1000 киловатт-соат электр токи ишлатиш учун инсоннинг уйида жуда кўп техника бўлиши керак. Буни оддий одамлар ҳам яхши чамалай олади.

### Чекловми ёки ижтимоий адолат?

Яқинда қизиқчи жамоалардан бирининг охирги концерт дастурини томоша қилдим. Мавзулар орасида электр энергияси учун белгиланган 200 киловаттлик ижтимоий норма масаласи ҳам ҳажв қилинган. Саҳналаштирилган томошада бир оила энергия истеъмолини 200 киловаттлик нормадан ошириб юбормаслик учун чироқсиз ўтиргани, электр токидан фойдаланмаётгани кўрсатилади. Қизиғи, қўшнилариникида ҳам аҳвол шу. Электр токини тежаш учун икки қўшни футбол ўйинини бир таймдан бир-бирининг хонадонида кўришга келади.

Томошабин сифатида мени бир жиҳат ўйлантирди: биз қачондир ана шу "тежамкорлик"ка етиб келишимиз керак эди! Бу тежамкорлик қўшнимиз ёки бегонанинг эмас, ўзимизнинг чўнтагимизга фойда эканини ҳам яхши биламиз. Қолаверса, биз тежаб ишлатаётган табиий ресурслар эртанги авлодлар учун ҳам хизмат қилиши керак.

> **Шундай қилиб, 2025 йил 1 майдан 2027 йил 1 апрелга қадар эҳтиёжманд оилаларга электр учун ойига базавий меъёр (200 киловатт)дан ортиқ фойдаланилган 150 киловаттгача, газ учун ноябрь — февраль ойларида базавий меъёр (500 куб метр)дан кўп фойдаланилган 250 куб метргача, бошқа даврларда эса 150 куб метргача ортиқ фойдаланилган қисми учун тегишли сумма давлат томонидан тўлаб берилади.**

Кун давомида сарфлаётганимиз сув — "сувтекин" дея оқизиб қўйиладиган обиҳаётга қараганимизда исрофгарчиликни ҳаддан оширганимиз яққол кўринади. Тан олайлик: электр энергияси ва табиий газ билан ҳам шундай аҳвол эди. Керак-керакмас қурилмани ёқиб қўйиб, ҳеч ким йўқ хонада телевизор, ҳаво совиткич ишлаб турадиган, кун бўйи микротўлқинли печ, музлаткич, чой қайнаткич каби қурилмалар электр манбаидан узилмайдиган хонадонлар ҳозир ҳам бор. Бу ҳам ҳар кимнинг ихтиёри, фақат истеъмолга яраша пул тўланиши керак.

Ўзимча таҳлил қиламан: бир хонадон электр энергиядан тежаб фойдалансаю бошқаси исталганча қурилма ишлатса, лекин иккаласи ҳам бир хил нархда пул тўласа, адолатдан бўладими?! Бу бозор иқтисодиётига ҳам, ижтимоий адолатга ҳам тўғри келмайди. Нархлар ошиши тарафдори эмасман, бироқ "истеъмолга яраша — тўлов" тизимини шакллантириш тўғри ечим, деган фикрдаман. Кичик мисол: бир ойда 1000 киловатт электр энергияси сарфлайдиган хонадон 200 киловаттгача ишлатадиган 5 та оиланинг истеъмолига тенг электр энергиясидан фойдаланар экан. Шундай вақтда табиий ресурсни бошқаларга нисбатан кўпроқ ишлатаётган оила пулни ҳам шунга яраша тўлаши адолатлидек кўринади.

Ҳозир жаҳон миқёсида энергетика захиралари тобора камайиб бораётир. Шу боис, уни бесамар, исрофгарлик билан ишлатиш тўғри келмайди. Одамларнинг электр энергиясидан фойдаланишга эҳтиёжини бундан 10 йил олдинги вазият билан таққослаб бўлмайди. Кейинги йилларда бу талаб камида 35 фоиз ошган ва ошишда давом этмоқда. 2030 йилга бориб, мамлакатимиз истеъмолчиларининг электр энергиясига йиллик талаби 74 миллиард киловатт-соатдан 110 миллиард киловатт-соатгача ошиши ҳисоб-китоб қилинган. Шу боис, ушбу ресурснинг муқобил манбаларини топиш ва жорий этиш баробарида, тежамкорликка катта эътибор қаратиляпти.

"Яшил" энергетикага ўтиш саъй-ҳаракатлари ҳам анча жадал. Маълумотларга кўра, ҳозир юртимизда "яшил" энергетика бўйича 4067 мегаваттлик қувват ишлаб турибди. Жорий йилги давлат дастурида яна қўшимча қувватларни ишга тушириш белгиланган. Қолаверса, аҳоли хонадонларига қуёш панеллари ўрнатиш бўйича берилаётган имтиёзлардан ҳам кўпчилик хабардор. Юртдошларимиз бу имтиёзлардан фойдаланиш баробарида, истеъмолидан ортган "яшил" энергияни давлатга сотяпти ҳам. Давлат ташкилотлари ва корхоналар босқичма-босқич ана шу тизимга ўтяпти. Умуман, Ўзбекистон ўз олдига 2030 йилга бориб "яшил" энергия ҳажмини 54 фоизга етказишни мақсад қилган.

### Ҳозирги нарх ҳам харажатни қопламайди

Энергетика вазирлиги маълумотига кўра, бугун Ўзбекистон аҳолининг электр энергиясига талабини тўлиқ таъминлай олади. Ҳатто ортганини экспорт қилиш даражасига етган. Хўш, у ҳолда ҳудудларда электр энергияси узилиши билан боғлиқ муаммолар сабаби нимада, деган савол пайдо бўлади. Унга жавобан мутасаддилар етказиб бериш, инфратузилма билан боғлиқ масалаларни важ қилиб келтиради. Буларни тартибга солиш, тизимни доимий ислоҳ қилиш учун ҳам электр энергияси тўлови ишлаб чиқариш харажатига мутаносиб бўлиши керак.

Мутахассисларнинг айтишича, Ўзбекистон электр энергияси нархи арзонлиги бўйича жаҳонда 7-ўринда туради. Шу вақтгача ишлаб чиқариш харажатларининг асосий қисми давлат субсидияси асосида қопланган. Ҳозир 1 киловатт электр энергиясининг таннархи, яъни ишлаб чиқариш харажати қўшилган қиймат солиғи билан 1002 сўм. Меъёр бўйича ўрнатилган тўлов суммаси ҳам электр энергияси ишлаб чиқариш, етказиш, тақсимлаш харажатини тўлиқ қопламайди. Шунга қарамай, аҳолининг бирламчи эҳтиёжи ва зарур миқдорни инобатга олган ҳолда 200 киловаттгача электр энергияси учун имтиёзли, субсидияланган нархлар тақдим этилган.

— Келинг, буни ойига 500 киловатт-соатгача электр энергияси ишлатадиган аҳоли қатлами мисолида таҳлил қилиб кўрамиз, — дейди Ҳасан Тошхўжаев. — Шунча миқдордаги меъёр учун ойига 360 минг сўм тўланади, аммо ишлаб чиқариш харажати 500 минг сўмдан ошади. Демак, давлат ҳали ҳам аҳолига 140 минг сўм субсидия беряпти. Йиллар давомида юртимизда электр энергияси нархи арзон бўлгани ҳақида гапирамиз, аммо шунга яраша тизимда ҳам ислоҳотлар бўлмаган. 2023 йилгача деярли катта ишлар қилинмаган, маблағ етишмаган. Айнан 2023 йилдаги қаҳратон қиш энергетика соҳасидаги асл вазиятни кўрсатиб қўйди. Шундан кейин давлатимиз раҳбари топшириғи билан соҳага 2 маротаба қарийб 1,5 миллиард сўмдан маблағ ажратилди. Бунинг самарасини одамлар қисқа муддатда кўра бошлади. Айтайлик, икки йил олдин электр энергиясидаги узилиш ҳолати 3-3,5 соатда тузатилган бўлса, ҳозир 1 соатгача қисқарди. Авариялар сони камайди, тармоқлар мунтазам янгиланяпти. Тошкент шаҳрининг ўзида ўтган икки йилда 20 мингга яқин трансформатор алмаштирилди, 50 минг километрга яқин ҳаво узатиш тармоғи янгиланди. Бундай ишлар барча ҳудудда қилиняпти. Биргина мисол: Андижон вилоятининг чегара ҳудуддаги Марҳамат туманида 2016 йилдаги ва бугунги ҳолатни солиштирсангиз, аҳолининг ўзи катта фарқ борлигини айтади. Олдинлари ҳудудда кунлаб электр токи ўчарди. Ҳозир 2 соат ўчса, аҳоли дарров эътироз билдиради. Бу тўғри йўл, одамлар муаммоларни айтиши керак. Биз эса уларни бартараф этамиз. Чунки асосий мақсадимиз аҳолига барқарор, ишончли ва узлуксиз электр энергияси етказиб беришдан иборат. Янги тариф туфайли олинган маблағ шу мақсадга йўналтирилади. Зеро, маҳсулот нархи уни етказиб бериш ва кўрсатиладиган хизмат харажатини қоплаши керак, бозор талаби шундай.

### Компенсация кимларга берилади?

Аввалбошдан ижтимоий норма аҳоли томонидан сотиб олишда қўлланадиган имтиёзли тариф экани айтилганди. Яъни энергия муайян меъёргача нисбатан паст (имтиёзли) ва бу меъёрдан юқори истеъмол учун бозор нархида сотилади. Ҳозирги тарифлар бўйича 200 киловаттлик меъёр имтиёзли ва бу аҳолининг барча қатламига қўлланади.

Энди бунга қўшимча бошқа имтиёз ҳақида ҳам тўхталсак. Куни кеча давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан эҳтиёжманд аҳолига давлат томонидан газ ва электр энергияси тўловларида алоҳида ёрдам — йил давомида компенсация бериладиган бўлди. Авваллари бундай ёрдам фақат қиш мавсумида берилган.

Шундай қилиб, 2025 йил 1 майдан 2027 йил 1 апрелга қадар эҳтиёжманд оилаларга электр учун ойига базавий меъёр (200 киловатт)дан ортиқ фойдаланилган 150 киловаттгача, газ учун ноябрь — февраль ойларида базавий меъёр (500 куб метр)дан кўп фойдаланилган 250 куб метргача, бошқа даврларда эса 150 куб метргача ортиқ фойдаланилган қисми учун тегишли сумма давлат томонидан тўлаб берилади.

Жорий йил март ойи ҳолатига кўра, Ўзбекистондаги кам таъминланган оилалар сони 746 минг 149 та. Эҳтиёжманд оилалар қаторига эса, аввало, ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилганлар киради. Яъни биргаликдаги ойлик даромади тенг тақсимланганда 669 минг сўмдан кам чиққан оилалар ушбу тизимга киритилган. Компенсация тўлаб бериладиган кейинги талабгорлар эса камбағал оилалар реестри рўйхатидагилардир. Бу тизимга оиланинг бир ойлик даромади тақсимланганида, 1 миллион 155 минг сўмдан кам чиққан оилалар киритилади. Шунингдек, иккала реестрга ҳам кирмаган, аммо мол-мулки кам ва ойлик даромади ҳар бир оила аъзосига тақсимлаганда 1 миллион сўмдан кам бўлган оилаларга газ ва электр тўлови учун компенсация тўланади.

**Ирода ТОШМАТОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

"Яшил" энергетика

# ҚАНЧА КЎП ТЕЖАСАК, ШУНЧА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАМИЗ



**Президентимизнинг 2022 йил 2 декабрдаги "2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилиниши ана шу долзарбликни юмшатишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Чунки шу ҳужжат асосида катта марралар кўзланиб, бу борада махсус вазифалар, дастурлар белгилаб олинди.**

SAMARQAND IQLIM FORUMI 4-5 APREL 2025



Иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоиз қисқартириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 гигаваттга ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30 фоиздан кўпроғига етказиш, саноат соҳасида энергия самарадорлигини камида 20 фоиз ҳамда йилига 200 миллион дона кўчат экиб, улар сонини 1 миллиарддан ошириш орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоиздан ортиқроққа кенгайтириш шулар сирасига киради.

Жорий йил 26 мартда Президентимиз ҳузурида энергия ресурсларини иқтисод қилиш, истеъмол самарадорлигини ошириш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари бўйича бўлиб ўтган йиғилишда йирик саноат корхоналарида энергия тежовчи қурилмалар ўрнатиш ҳамда энергия исрофини камайтириш бўйича аниқ чоралар кўриш ва 2025 йилда 1,1 миллиард куб метр газ, шунингдек, 2,6 миллиард киловатт-соат электр энергиясини тежашга оид вазифалар белгиланди.

Экология бўйича Париж битимига мувофиқ, Ўзбекистон иқтисодий ўсишни сақлаган ҳолда 2030 йилга қадар иссиқхона газлари ташланмаларини 2010 йилдагига нисбатан 10 фоиз қисқартиришга жиддий киришган. Бунга далил сифатида кейинги йилларда йирик қайта тикланувчи энергия манбалари (шамол ва қуёш фотоэлектр станциялари) ишга туширилгани ҳамда 2030 йилга бориб "яшил" энергия улуши 40 фоизга етказилиши режа қилинганини келтиришимиз мумкин. Янги лойиҳалар электр таъминотидаги барқарорликни таъминлаш билан бирга атроф-муҳит ва экологияни яхшилашга тўлиқ хизмат қилади.

Энергия ресурслари билан барқарор, кафолатли таъминлаш баробарида ундан унумли фойдаланиш ва самарадорлигини ошириш бўйича ишларни изчил давом эттириш мақсадида Бош вазир раҳбарлигида Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссияси ташкил этилган. Комиссиянинг асосий фаолияти юртимиздаги барча соҳаларда энергия самарадорлигини оширишга қаратилган устувор вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш ҳамда ҳар бир чоракда эришилган натижа, шунингдек, мавжуд камчиликларни изма-из бартараф қилиб боришдан иборат.

Апрель ойи бошида Самарқанд шаҳрида иккита катта анжуман — "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммити ва Халқаро иқлим форуми бўлиб ўтди. Кўплаб нуфузли меҳмонлар иштирок этган форумда Президентимиз нутқ сўзлаб, "Яшил макон" лойиҳаси доирасида кенг қамровли ишлар қилинаётгани, яъни кўкаламзорлаштириш, Оролбўйида қурғоқчилик ва шўрга чидамли ўсимликлар экилганини билдириб, дарахт экиш бўйича "Марказий Осиёнинг яшил белбоғи" акциясини ўтказишни таклиф этди. Марказий Осиёнинг асосий сув манбаси бўлган Амударё ва Сирдарёнинг сув ҳажми 2040 йилга бориб кескин камайишини эътиборга олиб, сув тақчиллиги ўз таъсирини кўрсатишини алоҳида қайд этди. Шунингдек, бу борада амалга ошириш зарур бўлган бир қанча таклифларни илгари сурди. Жумладан, Марказий Осиёда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш борасида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва минтақавий дастурни ишга тушириш, музликлар ҳолатини сунъий йўлдош орқали узлуксиз кузатиш ва минтақанинг тоғ экотизимлари учун хавфларни эрта аниқлаш бўйича "Коперник" дастури доирасида Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш каби таклифлар иштирокчилар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, сессия суҳбатларида чет эллик иқлим экспертлари томонидан Ўзбекистонда кейинги йилларда сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, йўқотишларни камайтириш ҳамда иқлимнинг салбий ўзгаришларига қарши кескин чоралар кўрилаётгани, тегишли дастурлар қабул қилиниб, ишлар изчил давом этаётгани алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон энергетика тизимининг асосий бўғини ҳисобланган "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ электр станцияларида ҳосил қилинган электр энергиясини ўзининг 11 минг 773,9 километр магистрал электр тармоқлари орқали ҳудудларда жойлашган йирик подстанцияларга узатган ҳолда қўшни давлатларнинг энергия тизими билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунда электр энергиясини узатишда электр тармоқларидаги технологик йўқотишлар ортиб кетмаслиги ва белгиланган меъёрда бўлиши асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Жамият томонидан технологик йўқотишлар улушини қисқартириб бориш ва энергия самарадорлигини ошириш борасида тегишли лойиҳалар рўёбга чиқарилиши ҳамда подстанциялардаги модернизация ва реконструкция ишлари изчил давом эттирилиши натижасида 2021-2024 йилларда магистрал электр тармоқларидаги йўқотишлар сезиларли даражада камайди.

Бунинг омиллари талайгина. Жумладан, магистрал электр тармоқларининг ҳар бир ҳаво тармоғи ва подстанциясидаги технологик йўқотишларни ҳисоблаш йўли билан аниқлаб чиқиш ҳамда амалдаги йўқотишлар билан таққослаб бориш, ортиб кетган тақдирда унинг зудлик билан бартараф этилиши, электр энергияси қабулидаги ва узатишдаги ўлчов асбоблари соз ҳолатда ушлаб турилиши, аниқлик даражасига эътибор қаратилиши, подстанциялар модернизация қилиниши ҳамда ДХШ асосида ишга туширилаётган қуёш, иссиқлик ва шамол электр станцияларининг янги юқори кучланишли тармоқлар орқали мавжуд тизимга уланиши ҳам ижобий таъсир кўрсатяпти. Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш мақсадида марказий бошқарув биноси ва вилоятларда жойлашган барча маъмурий биноларда жами қуввати 753 киловатт бўлган қуёш панеллари ўрнатилиб, "яшил" энергия ҳосил қилинган ҳолда истеъмолдан ортиқчаси туман, шаҳар электр тармоқларига узатиб келинмоқда.

Иқтисодий-техник кўрсаткичларини янада яхшилаш мақсадида рақамлаштириш лойиҳаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жаҳон банки иштирокида амалга оширилаётган "Электр энергетика секторини трансформация қилиш ва барқарор электр узатиш" лойиҳаси, "Диспетчерлик назорати ва маълумотларни йиғиш" бўйича янги техник-дастурий комплекс (SCADA) ҳамда "Электр энергияси оқимини бошқариш" тизими (EMS)ни жорий этиш чоралари шулар сирасига киради. 2030 йилгача асосий бажариладиган ишлар кўлами белгиланиб, аниқ чора-тадбирлар асосида муносиб кўрсаткичларга эришиш ҳаракатлари стратегияси тасдиқланган. Энергия ресурсларини тежаш, ишлаб чиқиш ва узатишда самарадорликка эришиш энг устувор вазифага айланмоқда.

**Салим ЭШОНҚУЛОВ,**
**"Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти бошқарма бошлиғи ўринбосари**

www.yuz.uz — yuz.uznews — yuz_official — yuz.uz_news — yuz

Нуқтаи назар

# МАЪРИФИЙ ЖАМИЯТНИНГ ВИЖДОНИ ЭРКИН, ЭЪТИҚОДИ МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ

**Инсоний қадриятлар ва маънавий ҳаёт улуғланадиган, виждон эркинлиги, диний бағрикенглик барқарор бўлган жамият жадал ривожланади. Яъни маънавий баркамол жамиятда диний бағрикенглик устувор бўлади. Бу ўз-ўзидан аҳиллик, бирдамликка хизмат қилади. Шу маънода, юртимизда халқни рози қилишга қаратилган сиёсат замирида виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилаётгани бежиз эмас. Чунки инсон ҳуқуқини кафолатлаш орқали ривожланиш, Учинчи Ренессансни барпо этишдай юксак марраға эришиш осон кечади.**



**Хусниддин АҲМЕДОВ,**
**сиёсий фанлар доктори,**
**профессор**

Кейинги йилларда юртимизда маънавият ва маърифатга эътибор кучайиб, давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айлангани кишини қувонтиради. Хусусан, Президентимизнинг шу йил 21 апрелдаги “Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳада ислоҳотлар янги босқичга чиққанидан далолат беради. Мазкур тарихий ҳужжат ҳақида сўз борар экан, соҳадаги қатор устувор жиҳатларни эътироф этиш керак.

**Биринчидан,** юртимизда хилма-хил диний эътиқодга эга инсонларнинг бир заминда ягона халқ бўлиб, эзгу ғоя атрофида ҳамжиҳатликда яшаши бағрикенгликнинг ёрқин намунасидир. Президентимиз таъкидлаганидек, “Бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади”.

Чуқур ўйланган миллий ва диний сиёсат туфайли янги Ўзбекистон бугун дунё мамлакатлари учун бағрикенгликни ўзида мужассам этган мамлакат сифатида намуна бўляпти.

Бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та конфессия вакиллари тинч-тотув яшамоқда. Ислоҳотлар самарасида диний соҳа вакилларининг ижтимоий ҳаётдаги роли ортиб боряпти. Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган диний ташкилотлар сони 2356 тага етиб, шундан 2159 таси исломий, 197 таси бошқа конфессияларга тегишлидир. Сўнгги саккиз йилда Ўзбекистонда жами 130 та — 3 та олий ва 1 та ўрта махсус ислом билим юрти, 102 та масжид ҳамда турли конфессияга тааллуқли 24 та ноисломий диний ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилди. 2017 йилга қадар мамлакатимизда 1 та олий (Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти) ҳамда 11 та ўрта махсус диний таълим муассасаси (9 та исломий, 2 та христиан) фаолият юритган. Бугун эса 16 та диний таълим муассасаси бор, уларнинг 4 таси олий ўқув юртидир.

**Иккинчидан,** кейинги йиллардаги ислоҳотлар туфайли жамиятимизда фуқароларнинг виждон эркинлиги ва диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш борасида улкан натижаларга эришилди. Айни пайтда жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг бой илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга катта эътибор берилмоқда. Мақсад униб-ўсиб келаётган ёш авлодни ватанга садоқат, миллий-диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдир. Қолаверса, бу ислоҳотлар замирида юртимизнинг жаҳон цивилизацияси бешиги сифатидаги тарихий мақоми ва нуфузини тиклашдай эзгу ният бор.



Ўтган қисқа вақтда Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси, Самарқандда Ҳадис илми мактаби, Бухорода Мир Араб олий мадрасаси ташкил этилди. Ушбу муассасалар “Жаҳолатга қарши маърифат” эзгу умуминсоний ғояси асосида жамиятда соғлом маънавий муҳитни таъминлашга, ёшларни замонавий фикрлайдиган ва буюк аждодларимизга ҳар жиҳатдан муносиб этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, БМТ томонидан Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилинди, 2019 йилдан бери 16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик куни юртимизда ҳафталик тарзида кенг нишонланмоқда. Қолаверса, 2023 йилдан бошлаб аҳоли ўртасида динлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатлик, тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш, диний-маърифий соҳа ривожига улкан ҳисса қўшган инсонлар “Диний бағрикенглик” кўкрак нишони билан тақдирланиб келинмоқда. Шуларнинг ўзиёқ мазкур соҳадаги ислоҳотлар мазмунини очиб бера олади.

**Учинчидан,** шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги мураккаб шароитда дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар мамлакатимизда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, деган халқчил тамойилга асосланган ислоҳотлар тўғри эканидан далолат бермоқда.



Президентимиз илгари сурган эзгу ташаббуслардан бири — инсон қадри тамойили ҳар бир инсон эътибор ва эъзозга муносиб экани, виждон эркинлиги масаласи эса эътиқод қилиш ёки қилмаслик борасидаги танлов ва ҳурфикрлиликни ифода этадиган олий даражадаги қадрият эканини англатади.

Ўтган йиллар давомида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун такомиллаштирилди. Аммо соҳага Президент даражасидаги эътибор янги Ўзбекистон шароитида амалга ошди. 2018 йил 16 апрелда тарихимизда илк бор Президентнинг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Улкан ижобий ўзгаришларга асос солган ҳужжатда “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси соҳанинг устувор вазифаси этиб белгиланди. Илм-маърифат билан барча масалаларни ҳал этиш маъносини ўзида ифода этган мазкур эзгу тамойил мамлакатимизнинг барча ҳудудида тизимли фаолият сифатида йўлга қўйилди.

**Тўртинчидан,** кейинги йилларда юртимизда виждон эркинлиги ва диний соҳада давлат сиёсати такомиллашди. Бу фуқароларнинг эътиқод эркинлигини кафолатлаш ва диний соҳага оид масалаларни ҳуқуқий асосда ҳал этишда туб бурилиш ясади. Ушбу йўналишда илгари сурилган концептуал ёндашувлар нафақат мамлакат ичида, балки халқаро майдонда ҳам эътироф этиляпти.

Мамлакатимизда фуқароларнинг дини, эътиқоди, миллий мансублиги, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тўлиқ рўёбга чиқарилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли инсонларнинг динга муносабатидан келиб чиқиб устунлик бермаслик, камситишга йўл қўймасдан виждон эркинлигини кафолатлаш, дея белгилаб олинди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 21 апрелдаги “Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, бир томондан, ушбу йўналишдаги ислоҳотлар учун муҳим ҳужжат, иккинчидан, соҳага Президент даражасида берилаётган доимий эътиборнинг муҳим намунаси бўлди. Зеро, у орқали давлат ва дин муносабатлари очиқлиги, шаффофлиги, диний ташкилотларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, шунингдек, диний-маърифий фаолиятни илмийлик, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ташкил этиш каби устувор вазифалар белгилаб берилди.

**Бешинчидан,** ушбу фармон билан фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш ва уни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қатор устувор йўналишлари белгиланди. Хусусан, жамиятда диний бағрикенглик ва конфессиялараро тотувликни янада мустаҳкамлашга оид илғор механизмларни жорий этиш кўрсатиб берилди. Қолаверса, илм-фан ва жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларнинг инсонпарварлик, эзгулик, тинчлик, бағрикенглик каби умуминсоний ғояга асосланган диний-фалсафий меросини чуқур ўрганиб кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Фикримизни “Мотуридийлик — бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат таълимоти” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилгани ҳам тасдиқлайди.

Бундан ташқари, соҳада кадрларни тайёрлашга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Мақсад аҳоли орасида бирдамлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат руҳини кучайтиришдир. Бу борада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган долзарб илмий тадқиқотлар қўллаб-қувватланмоқда. Натижада соҳада халқаро ҳамкорлик муносабатлари янада ривожланиб боряпти. Бунинг барчаси юртимизда турли миллатлар, конфессиялар ва дин вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувлик муҳитини яратишга қаратилган ишлар янада самарадор бўлишига қаратилган.

**Олтинчидан,** мазкур фармон Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари, хусусан, виждон эркинлиги бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни амалда бажараётганини яққол намоён этди. Унда юртимизда виждон эркинлигини кафолатлаш, диний бағрикенглик, фуқаролараро тотувлик ҳамда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мақсадида “Бағрикенг жамият — барқарор давлат” тамойили асосида Дин ишлари бўйича қўмита билан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ички ишлар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг янги ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Мақсад аҳоли, хусусан, ёшлар орасида улуғ аждодларимизга хос бағрикенглик ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, шу орқали Ўзбекистон аҳолисининг дини, эътиқоди, миллий мансублиги, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муттасил ва ишончли таъминлашдир. Бунга эришиш учун жамиятда виждон эркинлигини давримизга хос тарзда кафолатлаши шарт. Мазкур ҳужжат шунга хизмат қилади.

**Еттинчидан,** ҳар бир соҳада бўлгани каби диний-маърифий соҳада ҳам етук кадрларга эҳтиёж бор. Ҳозир диний ва дунёвий билимларни чуқур эгаллаган, жаҳонда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни баҳолай оладиган шахслар жуда зарур. Чунки улар умумбашарий муаммоларнинг салбий таъсирига қарши курашишни яхши билади. Олдимизга ана шундай ёшлар сафини кенгайтириш вазифаси турибди. Шу мақсадда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида 2019 йилдан бери фаолият кўрсатаётган Малака ошириш маркази Диний-маърифий соҳада малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтига айлантирилди. Бу маърифий ҳаётимизда жуда катта қувончли воқеа бўлди. Халқимиз, айниқса, соҳа вакиллари мазкур янгиликни кўтаринки кайфиятда қарши олди.

> **Глобал дунё ҳар сонияда ўзгариб, тусланиб бормоқда. Ёт ғоялар тарғиботи ҳам замонга мослашиб, ўзгармоқда. Уларга қарши туриб, жамиятни бирдамликка чақирадиганлар замондан бир қадам олдинда юриши керак бўлади. Шунинг ўзиёқ институтнинг олдида қатор муҳим вазифалар борлигидан далолатдир.**

Институт исломшунослик, диншунослик, давлат ва дин муносабатлари асослари, шунингдек, радикаллашувнинг олдини олиш йўналишларида диний соҳа мутахассисларининг малакасини оширади ва қайта тайёрлашга масъул муассаса ҳисобланади.

Глобал дунё ҳар сонияда ўзгариб, тусланиб бормоқда. Ёт ғоялар тарғиботи ҳам замонга мослашиб, ўзгармоқда. Уларга қарши туриб, жамиятни бирдамликка чақирадиганлар замондан бир қадам олдинда юриши керак бўлади. Шунинг ўзиёқ институтнинг олдида қатор муҳим вазифалар борлигидан далолатдир.

Очиғини айтиш керак, ҳозирга қадар Малака ошириш маркази сифатида фаолият юритган мазкур муассаса аудиториялар етишмаслиги, тингловчилар учун турар жой масаласида қатор мушкулликларни бошдан кечириб келган. Мазкур фармон эса бу муаммоларга биргина банд билан ечим беради. Ташкил этилган янги институтга барча эҳтиёжлари учун етарли бўлган алоҳида бино ажратилгани фикримизнинг яққол исботидир.

Давлатимиз раҳбарининг **“Барчамиз учун Ватан битта. Бизни ягона, улуғ бир мақсад бирлаштиради. У ҳам бўлса, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигидир”,** деган сўзлари теран фикрли ҳар бир зиёлини доим ҳушёр ва сергак туришга, замон билан ҳамнафас бўлиб, юрт учун хизмат қилишга ундайди.

Шундай экан, биз, педагог кадрлар жамоаси жамият тинчлиги, ватан равнақи йўлида ҳамиша изланишда бўлишимиз лозим. Ўзбек халқи учун хайрли бўлган ушбу фармон ватан тинчлиги ва осойишталиги йўлида айни вақтида, ўта теран мулоҳазалар билан эълон қилинган муҳим ҳужжат сифатида тарих зарварақларидан жой олади. Бу, ўз навбатида, мазкур ҳужжатда белгилаб берилган вазифаларни адо этиш учун зиммамизга улкан масъулият юклanganидан далолат беради.

Бандлик

# ҚИШЛОҚ АЁЛИ ХАЛҚАРО ГРАНТ ЮТДИ

**Қуёш уйғонмай туриб супур-сидирни бошлаган, сигир соғиб, фарзандларига нонушта тайёрлабоқ далага ошиққан, қайтишида чорва учун бир этак ўт кўтариб қайтган аёлнинг азобланиши ўша кезлари оддий ҳолат бўлиб қолганди гўё. Ҳақиқатан, уларнинг жони қирқтами, тошданми?**

Собиқ тузум аёлларимизни шундай ҳаёт тарзига мажбур қилганди. Улар фарзанд кўриш, тарбиялаш, оила хўжалигини юритиш билан чекланган эди. Уйдан кўча ҳатламай, борига кўникиб яшашга маҳкум қилинганди улар. Бу оддий қишлоқ аёлининг ўтмиш ҳаёт тарзи билан боғлиқ аянчли воқеалар.

Бугун вазият, аёлларнинг ҳаёт тарзи ўзгарди. Юртдошларимиз онгу тафаккури юксалмоқда, эртанги кунга умиди мустаҳкамланиб, турмуши фаровонлашмоқда. Уларга ҳурмат кўрсатиш, ҳаётини енгиллаштириш, жамиятнинг фаол ва тўлақонли аъзоси сифатида эмин-эркин яшаши, ташаббусларини қўллаб-қувватлашга эътибор ошди.

Чекка қишлоқларда ҳам юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тармоқларини бошқариб, оиласи, ҳамқишлоқлари корига яраётган ташаббускор аёллар сафи кундан кунга ортиб бормоқда.

Қўштепа туманидаги Дўрмон қишлоғида яшовчи моҳир тикувчи Шоҳиста Исоқованинг фаолияти билан танишиб, бунга яна бир бор амин бўлдик. Оддий, камтар, камсуқум қишлоқ аёли Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Жаҳон банкининг Япония ижтимоий тараққиёт жамғармаси ҳамкорлигидаги “Қишлоқ аёлларининг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш” лойиҳасида ғолиб бўлиб, тадбиркорлик лойиҳаси учун 132 миллион 800 минг сўм грантга эга бўлди. Маҳалладаги эски бино таъмирланиб, “Dormon future ladies” жамоасига асос солинди.



Бир пайтлар тандиру ўчоқ бошидан чиқмайдиган, ўзига оро беришга вақт тополмаган Шоҳистанинг ҳаёт тарзи буткул ўзгарибди. Мўъжазгина ишхонада ўндан ортиқ тикув ускунаси ўрнатилган. Унга елкадош бўлиб меҳнат қилаётган 5 тикувчи ҳам маҳалладошлари, маслакдош дугоналари. Бу ерда “устоз-шогирд” анъанаси йўлга қўйилган. Тикувчиликка қизиққан хотин-қизлар шу ерда малака ва маҳоратини оширяпти.

— Ёшлигимдан тикувчи бўлишни орзу қилганман, — дейди Шоҳиста. — Аммо керакли ускуна, хомашёлар учун маблағ, тадбиркорлик қилиш учун билим ва кўникмаларга эга бўлмаганим боис, бу ишни бошлашга имкон топа олмаётгандим. “Меҳржон” аёллар ва болалар маркази томонидан ижтимоий дафтарга кирган хотин-қизлар учун ташкил этилган бепул ўқув курслари биз учун янги имконият эшикларини очди. Ўзим каби уйда ўтирган ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида тақдим этган бизнес лойиҳам халқаро ташкилот томонидан қўллаб-қувватланганни айни муддао бўлди. Тикувчилик билан шуғулланиб, кўпнинг корига бакор келяпман, даромад топиб оиламнинг кам-кўстига ёрдамлашяпман. Илк бор фарзандларимга ширинлик олиб улашганим, уларнинг қувонч-шодликлари ҳамон кўз ўнгимда. Ўғлим Абдужамол Фарғона шаҳридаги имконияти чекланган болалар мактабида таҳсил олади. Қизим Зарнигор туман марказидаги мусиқа ва санъат мактабида рассомликдан таълим олиб, илк ютуқларни қўлга киритганидан бошим осмонга етди. Булар бизга берилган имконият, имтиёзларнинг самараси деб биламан.

Оила бекаси шу тариқа ижтимоий дафтарга кирган оилалар рўйхатидан чиқди. У энди иш берувчи, касб-ҳунарга ўргатувчи ҳунарманд сифатида кўпга бош-қош. Вақт топиб томорқа юмушлари билан машғул бўлади. Дўрмон қишлоғида узумчилик ривожланган, ўтган мавсумда бундан 30 миллион сўмдан ортиқ даромад қилди.

Шоҳиста ва унинг дугоналари қалб қўри билан тикилган турфа либосларга боқаман. Табиий хомашё, жилвакор ранглар кўзни қувнатиб, дилни яйратади. Момомерос кўҳна касб сирларини улуғлаб, оддий матодан мўъжизалар яратаётган чевар қишлоқ аёллари маҳоратига таҳсинлар айтамиз беихтиёр.

Кейинги манзил Ҳавохон Воҳидова хонадони бўлди. Боқувчиси йўқ оила бекаси яқинлари кўмагида янги уйга кўчиб чиқибди. Уйдаги шарт-шароит ишлаб чиқаришга қулайлигини ҳисобга олиб, “Нафосат шайдолари” МЧЖга асос солиб, 108 миллион сўм имтиёзли кредитга пайпоқ тўқиш ва тикув жиҳозлари олиб, бир вақтнинг ўзида 4 хотин-қизни ишли қилибди.

— Юртимизда ҳунарманду тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратиб берилаётганидан фойдаланиб, пайпоқ тўқиш ва тикувчилик сирларини ўргандим, — дейди Ҳавохон. — Қўшни аёллар билан касаначилик асосида ҳам ишлаяпмиз. Меҳнатим ортидан қадр топяпман. Айни кунда қўшимча ишлаб чиқариш ускуналари харид қилиш орқали фаолиятимизни янада кенгайтиришни кўзлаб турибман.

Дўрмон қишлоғининг чекка бир ҳудудида очилган “Дўрмон свет бренд” пишириқлар тайёрлаш марказида ишлаб чиқарилаётган турфа ширинликлар элга манзур. Шу кунга қадар қишлоқда пишириқлар тайёрлаш йўналишида тадбиркорлик субъекти бўлмаган. Маҳсулот харид қилиш зарурати туғилса, туман марказига боришга мажбур бўлинган. Одинахон Мамадалиева асос солган лойиҳа бу борадаги оворагарчиликларга барҳам берди.

— Жорий йилнинг шу кунига қадар ишсизлиги сабаб “Аёллар дафтари”га киритилган 34 хотин-қизнинг бандлиги таъминланди, — дейди “Дўрмон” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли Муҳаббатхон Аҳророва. — Биргина “Меҳржон” аёллар ва болалар маркази билан ишлаб чиқилган 4 та тадбиркорлик лойиҳаси халқаро грант ғолиби бўлиб, 20 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Натижада қишлоқ аёллари учун янги имконият эшиклари очилди, уларнинг бандлигини таъминлаш орқали турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни тадбиркорликка йўналтириш борасидаги ташаббуслар кундан кунга ортиб бормоқда.

Дўрмондан қайтар эканмиз, ҳаёти, турмуши яхшиланаётганидан хурсанд, эртанги кунидан кўнгли тўқ аёлларнинг мамнун чеҳраси, ташаббуслари, иш амалларидан баҳра олдик.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Мулоҳаза





**Илм-маърифат, ақл-заковатда ҳайратланарли даражага етган кишиларга эҳтиром билан ишлатиладиган бир улуғ сўз бор. Бу сўз неча минг йиллардан буён инсоният қалб олами, онг-шуурини ёритиб келаётган донишманд Шарққа тегишли, “Зиё Шарқдан” деган ҳақиқатнинг буюк исботи.**

# ШАРҚ ВА ҒАРБ: ИККИ ЙЎЛ, ИККИ ТАҚДИР



**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

Бу — “устоз” сўзидир. Йиллар ўтиб, зеҳни баланд шогирдлар ҳам устозлик даражасига етади, илм-урфон йўлларида ёруғ юлдузларга айланади, аммо ўзларини не ранж ила хат-саводга ўргатган, маърифат йўлига бошлаган отадан улуғ устозларига бўлган ҳурмат-эҳтироми қалбини асло тарк этмайди.

Неча йиллик умри, кўзининг нури, билим ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига бағишлаган фидойиларни жамиятнинг маънавий устунларига қиёслаш мумкин. Ёшларни тўғри йўлга бошлайдиган, уларга ахлоқий тарбия берадиган, имон-эътиқодда собит кишиларга ота мақомида эҳтиром кўрсатишнинг маъноси шу. Тарих шоҳидки, бундай инсонларни меҳр оғушига олган халқ, миллат ҳеч қачон завол топмаган, йўлидан адашмаган. Боиси, устозлар ёруғ оламнинг не-не синовларини бошидан ўтказган, мураккаб вазиятларда қандай йўл тутишни, ягона тўғри ечимлар топишни яхши билади. Улардан сабоқ олганларга ҳавас қилса арзийди.

Устозлик касб эмас, аммо жамики касбларни жамлаганда ҳам ҳаммасидан устун турадиган улуғ фазилат, ноёб истеъдод. Одатда бирор киши ҳақида маълумот олмоқчи бўлсак, унинг ишига, қайси ўқув юртини тамомлаганига, ўй-қарашларига қизиқамиз. Қадимда бирор бир ёшга баҳо беришда унинг қайси устоздан сабоқ олганини билиш муҳим бўлган. Одоби ёки уқувидан кўнгиллари тўлмаса, “Ҳе, ўша таълим берган устозингдан ўргилдим”, дейишган.

Инсоннинг илми, одоби ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайдиган маънавий жавоҳир ҳисобланади. Бундай мулк эгалари ахлоқан мукаммал, муомала маданияти ҳавас қиларли, илми серқирра, ҳар қандай вазиятда ҳам тийрак мушоҳада билан иш юритадиган зукко кишилардир. Донишманд боболаримиз устоз сифатида ўз шогирдларига: “Агар сен комилликда бағоят юқори мартабага эришган бўлсанг-да, ҳузурингга келган кишини эътибор билан тингла, мақсад-муддаосини тушун ва шунга қараб иш тут”, деб уқтирган.

Инсоннинг ички дунёси, руҳий оламини англаш мураккаб жараён. Аммо устоз олдига келган ўсмирнинг муомаласи, сўзлаш одоби, мушоҳадасидан кўп нарсани, масалан, оилада қандай тарбия олганини, маҳалла-кўйда, жамоат жойларида ўзини тутишини, устоз кўрган ёки кўрмаганини билиб олса бўлади.

Баъзан шундай бўладики, ҳаётда мутлақо учрашмаган, суҳбат қурмаган, яхши-ёмон ишларига гувоҳ бўлмаган киши билан қисқа мулоқот қилиб, оддий салом-аликдан сўнг ҳам узоқ йиллик қадрдонлардай дўстлашиб кетасиз ва аксинча — кимдир, гарчи у сизга ёмонлик қилмаган, дилингизни ранжитмаган бўлса ҳам, кўнглингизда нохуш таассурот қолдиради, у билан сирдош ёки йўлдош бўлиш ниятидан қайтасиз. Одамнинг юз-кўзи ва нигоҳида қалбнинг акси кўриниб туради деган гап бор.



Ёшлар орасида олиб борилаётган маънавий тарғибот ишида аллома аждодларимизнинг номларини фарзандларимизга ибрат қилиб кўрсатамиз, бизгача етиб келган илмий, маърифий асарларидан иқтибослар келтирамиз. Чунки улар одоб-ахлоқда, илмга чанқоқликда, эл-юрт учун беминнат хизмат қилишда ўз даврдошларигагина эмас, ҳаётларидан кейинги неча-неча асрларда ҳам ибрат намунаси бўлган.

Бундай фазилатли бир киши вояга етаётган неча юзлаб ёшларни улуғ ҳидоят йўлига, илм-маърифат боғига бошлаган. Китобларда келтирилишича, аллома Ҳамадонийнинг таъсирчан нутқини тинглаган, илмига, ёқимли талаффузига маҳлиё бўлган, инсоний фазилатларини ҳавас қилган эллик минг маъжусий ихтиёрий равишда ислом динини қабул қилган экан.

Оилада фарзандларни ёшлигидан илм-ҳунарга ўргатиш, уларга ҳалол меҳнат билан кун кечириш, бировнинг мулкига хиёнат қилмаслик, ҳасад кўчасига кирмаслик, раҳм-шафқатли бўлиш зарурлигини уқтириш ўтмиш аждодлардан бизгача етиб келган, маъно-моҳиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган талаб. Оталар ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг олдига ёш фарзандларини олиб келсалар, пири муршид бола бирор ҳунарни эгаллаганми ёки йўқми — шуни сўрар, бордию эгалламаган бўлса: “Фарзандингиз аввал ҳунар ўргансин, қўлидан бир иш келадиган бўлсин, кейин олиб келинг”, деб маслаҳат берар экан.

Бу талабнинг замирида жуда катта маъно бор. Ҳунари бор бола вақтини беҳуда ўтказмайди, яхши-ёмоннинг, фойда-зиённинг фарқига бошқалардан кўра эртароқ бориб улғаяди. Вақти келиб, ўз фарзандларига ҳам шу руҳда тарбия беради.

Демак, ҳалол-пок яшаш, ўзидан яхши ном қолдириш фазилати отадан болага, боладан набирага мерос бўлиб бораверади. Шундай узлуксизликка эришилган жойда ижтимоий адолат, маънавий комиллик бўй кўрсатади. Ҳаёт завқли бўлади.



**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

Ҳунарли болалар зеҳнли, хушмуомала, билмаган нарсаларини билишга қизиқувчан бўлиб улғаяди. Тарбиясизлик, жоҳиллик, одобахлоққа зид хатти-ҳаракатлар ҳамма жойда бекорчиликдан, бировнинг ҳисобига кун кўришдан, пок ва нопокни ажрата олмасликдан, тарбия ишига бепарволикдан келиб чиқади. Бир ишнинг этагидан тутмаган бола оиласига, ота-онасига, жамиятга жиддий ташвиш келтириши мумкин.

Битта бекорчи ёки тарбиясизнинг ёнига иккинчи бекорчи, учинчи тарбиясиз, тўртинчи қаровсиз бола қўшилса, тузатиш қийин, муаммо пайдо бўлади. Болани ёшлигида тўғри йўлга солиш осон, аммо “кўча тарбия”сини олиб вояга етгач, бу йўлдан қайтариш ғоят мушкул.

Бундан анча йиллар аввал таҳририятга келган отадан ким бўлиб ишлашини сўраганимда, у ҳеч иккиланмай: “Олти боланинг отаси лавозимида ишлайман”, деб жавоб бергани ёдимда. Суҳбатимиз давомида бу жавобдан қониққанман.

Ҳаётда ҳар бир киши касб-кори, турмуш тарзи, бу ёруғ оламда яшашдан мақсад-муддаосини ўзи белгилайди. Кимдир ҳалол меҳнат билан ризқ топишни, фарзандларини эл-юрт корига ярайдиган инсон қилиб тарбиялашни, жамоада, маҳаллада яхши ном қолдиришни ўйлайди. Бошқа биров эса ҳеч нарсани ўйламайди, бошини қотирмайди, ўткинчи ҳою-ҳавасга, кундалик ҳузур-ҳаловатга, яхши еб-ичмоқликка берилади. Бундай киши ота-оналик бурчини ҳам унутади. Фақат шу эмас, ҳаётда ўз йўлини топа олмаган кишилар аксарият ҳолларда бадджаҳл, қўрс, бировнинг дилини вайрон қилмаса, кўнгли ўрнига тушмайдиган, жанжал кўтариб, кимнингдир тинчини бузишдан роҳатланадиган кимсалардир.

Бир-бирига тамомила зид бу икки хил турмуш тарзи хусусида нималар дейиш мумкин? Ҳар бир киши ўзи эккан, парваришлаган ҳосилни ўради. Шоир ёзганидек, бу дунёда ким нимани изласа, шуни топади. Доно халқ ғараз ва ҳасад билан яшайдиган, умрида савоб иш қилмаган, фақат шахсий манфаатини ўйлайдиган кишиларни хушламайди, бундайлардан узоқроқда бўлишни эп кўради ва, аксинча, имон-эътиқодли, ҳалол-пок, меҳнатсевар, элсевар кишиларни улуғлаб, ҳурмат қилади, иззат-икромини, обрўйини жойига қўяди.

Бу икки ҳолатга чуқурроқ назар ташласак, шахсий турмуш тарзини белгилашнинг Шарқ ва Ғарбга хос икки жиҳатига дуч келамиз. Шарқда жамоа бўлиб яшаш, оила, кундалик турмушда учраб турадиган муаммоларни баҳамжиҳат ҳал қилиш муҳим бўлса, Ғарбда алоҳидалик (индивидуаллик), ўзи учун шароит яратиш, шахсий фароғатини ўйлаш ҳисси устун аҳамиятга эга. Ҳеч ким бошқа бир кишининг ҳаётига, муаммоларига қизиқмайди. Бу таомилни наинки оддий одамлар, ғарблик олимлар ҳам оқлайди, уларнинг фикрича, жамият яхлитлик, умумийлик сари интилмаслиги керак. “Кимда кимнинг кўнгли бўлса, қўйиб беринг — ўйнасин”.

Улуғ муаллим, мутафаккир Фитратнинг “Шарқ сиёсати” асарида Шарқ ва Ғарбнинг маънавий портрети жуда аниқ тасвирланган: “Африқоға кирган мусулмонлар Амриқо ва Африкони босқон маданий овруполилардек ерли халқни битирмак учун тиришмадилар. Унларға (уларга) маданият бердилар. Амриқоға қўноқ бўлуб кирган Оврупа маданийлари ерли халқни битираёздилар, буни билмаған йўқдир. Африқони босиб олған Оврупа жаҳонгирлари у ердаги қора халқни ўлат каби ўлдириб туралар. Ҳолбуки, мусулмонлар Африқонинг Жазоир, Тунис, Фас (Марказий Африка) каби ўринларини олғач, у ерларни тараққий этдурдилар, халқини тинчлантурдилар, унлардан (ерли халқдан) буюк одамлар етуштирдилар. Шарқ ўзининг тарихи, сиёсати, ҳунари, инсофи, адолати, ахлоқи ва хизмату эътибори билан унча юксалмиш, у қадар тараққий этмиш эдиким, тасаввури ҳам бизнинг мияларимизга сиғмайдур. Шарқ маданий йиртғучи эмас эди. Шарқ бошқаларнинг ҳақларини олмас эди. Шарқ башариятнинг юксалиши учун тиришар эди. Шарқ маданият ўчоғи, инсоф бешиги, ахлоқ мактаби, билим мадрасаси эди. Биз, шарқликлар, башариятга қилған хизматларимиз учун бу кунги қонли Оврупаға қарши яхшиғина махтана олурмиз”.

Бу сатрлар Шарқ ўз вақтида буюк устозлик мақомига кўтарилганидан, дунё қалбини ёритувчи улуғ маконга айланганидан далолат беради.

Тарбия бир умрлик, авлоддан авлодга ўтадиган мураккаб жараён. Шу боис, аввало, тарбиячининг ўзи тарбияли бўлиши керак. Ота-онанинг (устозларнинг ҳам) хатти-ҳаракати, сўз ва амаллари бола онг-шуурига маржондек тизилиб боради. У катталар ўртасидаги нохуш воқеаларга, оиладаги можароларга гувоҳ бўлар экан, кўнгли чўкади, вужудида ўкинч, маънавий жароҳат пайдо бўлади.

Маҳаллада турли миллат вакиллари, турли касб эгалари, турли динларга эътиқод қилувчилар ёнма-ён яшашади. Улар маҳалладош сифатида бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиб, турли ҳолатларда елкадош бўлаётгани жамиятимизнинг энг катта ютуғи. Маҳалла бўлиб яшаш бизга ота-боболаримиздан қолган буюк мерос. Шу боис, дунё жамоатчилигининг ўзбек маҳалласига эътибори кучайди.

Таассуфки, оила ва маҳаллани бошқача талқин этаётганлар ҳам йўқ эмас. Улар эр-хотин, ота-она ва фарзандларнинг ўзаро аҳиллигидан ҳам камчилик топади, фарзандларнинг ота-онаси билан бирга яшаши, улардан хабар олиб туришни инсон эркинлигининг чекланиши деб ҳисоблашади. Ғарбга қолса, кексалар болаларига “юк” бўлмай, қариялар уйида истиқомат қилгани маъқул. Донишманд Шарқ бундай қарашларни азал-азалдан рад этиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Бугун бўлинишдан чарчаган дунёни қайта тақсимлаш, иқтисодий соҳада ўзга минтақалардаги табиий бойликларга суқланиб қараш, мафкура соҳасида турли халқларнинг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзини ўз манфаатлари йўлида “ислоҳ” қилиш, ёшлар онги ва қалбини эгаллаш, уларни чалғитиш каби носоғлом хатти-ҳаракатлар кучайиб, турланиб-тусланиб бормоқда.

Бундай ҳаракатлар бир қарашда беозор бўлиб кўринадиган ва ҳатто жозибали туюладиган шаклларда олиб борилади. Моддий манфаатдорлик ваъда қилинади. Ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган, турмушнинг оғир синовларига дуч келмаган, оилада тўлақонли тарбия олмаган, маҳалла мактабини ўтамаган ёшлар бундай “жозиба”га тез маҳлиё бўлади.

Собиқ тоталитар тузум пайтида инсоннинг руҳий олами эътибордан четда қолди, имон-эътиқод тўғрисида фикр юритишга изн берилмади. Бу тўғрида оғиз очганлар қатағонга учради. Отаси ёки онасининг дафн маросимида юзга фотиҳа тортган ўғиллар жазога лойиқ кўрилди. Бугунги ёш авлодга бу мудҳиш чекловларни такрор-такрор эслатиб туришдан чарчамаслигимиз зарур.

Шундай қилинмаса, йиллар ўтиб, истиқлолга гўёки ўз-ўзидан, ҳеч бир ташвишсиз, йўқотишлар, изтиробларсиз эришганимиздай, бу улуғ неъмат тап-тайёр ҳолда осмондан тушгандай бўлиб қолади, ҳаёт истиқлолдан аввал ҳам гўзал, сермазмун эди, деган сафсата тасаввур кучаяди.

Буюк файласуф Конфуцийнинг маънавий-фалсафий таълимоти маърифатли дунё аҳлини ҳамма замонларда ҳам қизиқтириб келган. Унинг “Ўзингга раво кўрмаган нарсаларни бошқаларга ҳам раво кўрма, эзгуликка эзгулик, ёвузликка адолат билан жавоб қайтар, аввало, ўзингни англа, жамиятда ва оилада қарор топган анъаналарга муҳаббат билан қара, уларни унутма ва қадрла, аждодлар хотирасини ёдингда тут” каби ахлоқий ҳикматлари бор. Бу таълимот йиллар, асрларни ортда қолдириб, беқиёс қудрати, ҳаётийлиги, айни пайтда содда ва тушунарли экани билан яшаб келмоқда. Унинг номи дунёнинг тўрт буюк донишмандлари қаторида тилга олинади. 1988 йили Нобель мукофоти ҳайъатининг Париждаги йиғилишида қабул қилинган мурожаатномада бундай сўзлар бор: “Инсоният янги XXI асрда яшаб қолишни истаса, бундан йигирма беш аср аввал яшаб ўтган Конфуций таълимотидан яхши хабардор бўлмоғи ва унга амал қилмоғи даркор”.

Конфуцийнинг мана бу ҳикматлари ғоят чуқур маънога эга: “Қушлар ўлим олдидан аламли қичқиришади, одамлар эса муҳим ва энг зарур нарсалар тўғрисида сўзлашадилар”, “Одамлар учун сув ва олов муҳим, аммо инсонгарчилик улардан кўра ҳам муҳимроқ. Мен сув ва олов туфайли ҳалок бўлган одамларни кўрдим, аммо инсонгарчилиги учун ҳалок бўлган бирорта одамни кўрганим йўқ”.

Икки йўл, икки тақдир. Ҳар кимники ўзига буюрсин.

# МАТОНАТ ИЛА ЯРАТИЛАЁТГАН санъат асарлари

**Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил, деган нақл бор. Лекин кўп ҳолларда унга ҳаммамиз ҳам бирдек амал қилавермаймиз. Кўзлари кўришдан, оёқлари юришу қўллари ушлашдан мосуво бўлганлар қисматини кўриб, шу фикрга борасан киши. Сирдарёлик Каромат Аҳмадкулова оёқлари билан чизаётган суратларга боқиб, рости, имкониятларимизнинг жуда кам қисмидан фойдаланишимизни англаб етдим.**

Орамиздаги одамлар

Болаликдан расм чизишга қизиққан Каромат 6 ёшида бувиси Рўзахон ая сабабли мўйқаламу бўёқлар билан дўстлашди. Табиатга меҳри зиёда экани қалбидан тошиб, қоғозда акс эта бошлади. У шундай гўзал неъмат — атроф-оламни мўъжиза деб билади.

2022 йили Каромат “Мафтункор ранглар дунёси” танловининг туман, вилоят, республика босқичида 1-ўринни қўлга киритди. Якка тартибда таълим олганига қарамай, умумтаълим фанларининг барини бирдек аълога ўзлаштирди.

2023 йилда Гулистон давлат университети санъатшунослик факультетига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Ўзи танлаган ранг-тасвир (дастгоҳли) йўналишини мукаммал ўзлаштириши учун факультетда барча шароитлар мавжуд. Курсдошларию устозлари ҳурмат-эътиборида бўлган Кароматга талабалик ҳам қатор муваффақиятларни бошлаб келди. Биринчи босқичдалигидаёқ республика миқёсидаги яна бир танловда олтин медалга эга бўлди. Ёшлар ишлари агентлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан ўтказилган аукционларда қатнашди. Санъатшунослик факультети декани Аҳмаджон Бобожонов у ҳақида шундай дейди:

— Биз, ўқитувчилар Кароматни фарзандимиздек кўрамиз. У ўзини ҳеч қачон имконияти чекланган деб ҳисобламайди. Устозлари унинг бошқа талабалардан-да фаоллиги, топшириқларни ўз вақтида бажаришини кўп эътироф этади. Чизган суратлари ҳаёт фалсафасини теран кўрсатиб бериши билан диққатга сазовор. Шу маънода, уни тенгдошларига намуна қиламиз, факультетимизнинг фахри, деймиз. Нафақат университетдаги, вилоятдаги барча тадбирларда фаол иштирок этади. Ҳар йили бўлиб ўтадиган Халқаро тасвирий ва амалий санъат фестивали доирасида бу йил ҳам университетимизда тадбир ташкил қилдик. Тадбир доирасидаги суратлар кўргазмасида вилоят Ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан Каромат чизган асарлар аукционга қўйилди.



Дарҳақиқат, меҳнатга яраша рағбат, эътибор ҳар қандай одамга куч беради. Кўп йиллар ижарада яшаб келаётган Кароматга шу ой Мирзаобод туманидан икки хонали уй берилди. Кутилмаган совға сабаб ҳануз ҳаяжони босилмаган рассом қизнинг овози титраб кетди:

— Бу қадар қувонтирадиган эътиборга лойиқман деб сира ўйламагандим. Тўла жиҳозланган, ҳамма шароитлари бўлган уйда бахтиёр яшаяпмиз. Опаларим, синглим турмушга чиқиб кетгани учун менга онам қараяпти. Энг муҳими, онажоним энди аввалгидек хорижга ишлагани бормайди. Туманимизда масъуллар “Олийгоҳни битирсанг, бизнинг сафимизда ишлайсан” деб ҳозирданоқ менга кўтаринкилик беришади. Шунинг учунми, дипломни олгач, қаерда ишлашни ўйлаб бош қотирмайман. Қолаверса, ногиронларни ишга олган ташкилотларга имтиёзлар яратиб бериляпти. Менга ўхшаб имконияти чекланганларнинг жамиятга фаол қўшилиши, ўз ўрнини топишига алоҳида эътибор қаратиляпти. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ишга тушгани жуда соз бўлди.

Дарвоқе, Каромат олийгоҳда ўқиш, рассомликдан ортиб Гулистон шаҳридаги сузиш ҳавзасига ҳам қатнашга улгуряпти. Май ойида сузиш бўйича республика мусобақасига тайёрланаётгани эса унинг шижоатига ҳайратимизни янада оширди. Митти жуссасига шунча юмуш оғирлик қилмасмикан деб ўйлайсан киши. Бироқ жисмоний ҳаракат унинг ҳаётга бўлган муҳаббатини янада ошираётгани аниқ. Зеро, спорт — саломатлик гарови. Унинг ўзи ҳам шуни таъкидлар экан, машғулотларда асло қийналмаётгани, аксинча, енгил тортаётганини айтади.

Ҳаёт синовлари қаршисида ўзини йўқотиб қўймай, мардона яшаётганлар энг матонатлилардир. Бугун жамиятнинг ўзи ҳам уларнинг шундай яшашига хайрихоҳ. Каромат каби ижтимоий кўмакка муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу эса, юқорида айтганимиздек, барчамизга ибрат бўлгулик қаҳрамонлар тушкунлик қаърига эмас, орамизга киришига хизмат қиляпти.

**Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-546.
36390 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 02:50 Топширилди — 03:00

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05